



ijtimoiy-iqtisodiy gazeta


O'zbekiston bunyodkori

Строитель Узбекистана

№13-15 (966-968)
2026 йил 6 март, жума

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
0874-рақам билан рўйхатга олинган.

Газетамизнинг
ушбу сони
8 март –
Халқаро
хотин-қизлар
кунига
бағишланади.



8 март – Халқаро хотин-қизлар кунини!



Аёлга бахт беринг

Зулфия МЎМИНОВА

Аёлга бахт беринг, саодат беринг,
Деманг, юрибди-ку кулиб жилмайиб.
Аёл кулиб туриб ўлиши мумкин,
Дунёни олиши мумкин жилмайиб.

Аёлга бахт беринг, саодат беринг,
Гар кўзлари кулиб турса-да.
Бўғзининг остида неча минг ҳасрат,
Ой юзлари кулиб турса-да.

Кўнглини кўтаринг ҳеч бўлмаганда,
Кўлини силашга шарофат топинг.
Йиғлаб турганида ҳеч бўлмаганда,
Ёшини артишга мурувват топинг.

Ногоҳ ерга тушса оппоқ рўмоли,
Босиб ўтмасликка шафоат топинг.
Чақалоқ ялаган этакларини,
Тоза деб айтишга адолат топинг.

Аёлга бахт беринг, саодат беринг,
Деманг юрибди-ку кулиб, жилмайиб.
Аёл кулиб туриб ўлиши мумкин,
Дунёни олиши мумкин жилмайиб.

Аёлга бахт беринг, саодат беринг,
Иллоҳи нур топинг, ҳидоят топинг.
Иллоҳи бахт берган аёл ёнидан,
Бахтиёр ўтмоққа иноят топинг.

Иллоҳи қалқонсиз, иллоҳ кўрғонсиз,
Ғийбатлар йиртмасин кўйлаққинасин.
Иллоҳи хушёрсиз, иллоҳ бедорсиз,
Итлар тишласин юракқинасин.

Аёлга бахт беринг, саодат беринг,
Тоғ қимирлаб, тошлар сўзга кирса-да.
Аёлга бахт беринг, саодат беринг,
Олтмишга кирса-да, юзга кирса-да.

Рамазон – меҳр-мурувват, аҳиллик ва шукроналик ойи



Инсон қадрини улуғланган, муқаддас ой шукуҳи

Юртимизда муборак Рамазон ойи файзи ва баракаси ҳар бир хонадонга кириб, қалбларга меҳр-оқибат, бағрикенглик ва шукроналик туйғуларини улашмоқда. Бу ой – нафақат ибодат, балки инсон қадрини улуғлаш, эҳтиёжмандларга кўмак бериш, жамиятда аҳиллик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш ойдир.

Президент Шавкат Мирзиёев томонидан 2026 йил 16 февралда қабул қилинган "Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида"ги қарор ҳамда "Ҳар бир хонадонга Рама-

зон шукуҳини олиб кириш" эғзу ташаббуси бу борадаги ишларга янада кенг қулоч бахш этди. Хужжат ижроси доирасида жойларда хайр-эҳсон тadbирлари тизимли йўлга қўйилиб, манзилли кўмак кўлами изчил кенгаймоқда.

Жумладан, Ғаллаорол туманидаги "Кўйтош" шаҳар фуқоралар йиғини, Оқтош ҳамда Кўкбулоқ маҳаллаларида эҳтиёжманд оилалар ҳолидан шу ҳудуд масжиди имомлари, ҚФЙ ва МФЙ раислари ҳамда "маҳалла еттичилиги" томонидан хабар олинди. Уларнинг яшаш шароити ўрганилиб, саховатпеша ҳомийлар томонидан ажратилган озиқ-овқат маҳсулотлари ва кундалик зарур уй-рўзгор буюмлари оилаларга етказиб берилди.

Айниқса, маҳаллалар масжидлари имом-хатиблари ҳомийлар кўмагида жамланган саховат ёрдамларини туман ҳокимлиги вакиллари билан биргаликда эҳтиёжманд хонадонларга етказиб, хайр-эҳсоннинг асл маъно-моҳиятини амалда намойён этдилар. Улар ҳар бир оила билан самимий суҳбат қуриб, Рамазоннинг фа-

зилатлари, сабр ва шукроналикнинг аҳамияти ҳақида маърифий тушунчалар берди. Бу эса нафақат моддий, балки маънавий қўллаб-қувватлашнинг ҳам ёрқин намунаси бўлди.

Хонадонларда ўтказилган мулоқотлар давомида фуқароларнинг дарду ташвишлари тингланиб, уларни қийнаётган масалаларни ҳал этиш юзасидан мутасаддиларга тегишли тавсия ва топшириқлар берилди. Зеро, Рамазон ойида қилинган ҳар бир эғзу амал инсон қалбига умид ва ишончни мустаҳкамлайди, деб ёздади Уза мўҳбири Абдуҷалол Қаюмов.

Бугун юртимизда амалга оширилаётган бундай хайрли ишлар инсонпарварлик, саховат ва бағрикенглик каби юксак қадриятларнинг ҳаётимизда мустаҳкам қарор топаётганини кўрсатмоқда. Муқаддас ойнинг шукуҳи, энг аввало, инсон қадрини улуғланаётгани, эҳтиёжмандлар ҳолидан хабар олинаётгани ва имом-хатиблар, маҳалла еттичилиги ҳамда ҳомийлар ҳиссаси орқали амалга оширилаётгани билан юксак аҳамият касб этади.

Янги лойиҳалар тақдимоти ўтказилди

Термиз шаҳридаги Жўйжангал маҳалласи ҳудудидан оқиб ўтувчи канални реконструкция қилиш асосида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш нуқталарини ўз ичига олган замонавий сайилгоҳ ташкил этиш лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Ғайрат БҲРИЕВ,
Термиз тумани ҳокимлиги
Ахборот хизмати раҳбари.

Масъуллар мазкур сайилгоҳ ҳудудида барпо этилган савдо ва маиший хизмат кўрсатиш нуқталаридан самарали фойдаланиш, тadbир-

корлик лойиҳаларини йўлга қўйиш бўйича белгиланган вазифалар ижроси билан танишилди. Шунингдек, Жўйжангал маҳалласи учун топшириққа асосан ишлаб чиқилган мастер-режа тақдимоти ҳам кўриб чиқилди. Маҳаллада инфратузилма ва тadbиркорлик лойиҳаларини манзилли амалга ошириш, мастер-режани тақдимоти билан танишилди. Маҳаллада инфратузилма ва тadbиркорлик лойиҳаларини манзилли амалга ошириш, мастер-режани тақдимоти билан танишилди. Маҳаллада инфратузилма ва тadbиркорлик лойиҳаларини манзилли амалга ошириш, мастер-режани тақдимоти билан танишилди.

Шундан сўнг, Термиз тумани Сабзипоя маҳалласи ҳудудида жойлашган, майдони 7,2 гектар бўлган собиқ оромгоҳ ўрнида Термиз давлат университети ҳузурида замонавий дам олиш масканини ташкил этиш лойиҳалари тақдимоти билан танишилди. Ишлаб чиқилган лойиҳа асосида ҳудудни профессор-ўқитувчиларнинг хордиқ чиқариши, ижодий ишлари билан шуғулланиши учун зарур шароитларга эга, замонавий қиёфадаги оромгоҳга айлантириш вазифалари топширилди.



uzbunyodkor.uz

info@uzbunyodkor.uz

uzbunyodkor

t.me/uzbunyodkor

uzbunyodkor

qurilish.today





Қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ҳажми ортмоқда

У бир пайтлар ҳарбий лабораторияларда сир сақлангани айтиларди. Кейинчалик эса кўпчилик тошдан "пахта" олиш мумкинлигига ишониши қийин бўлди. Бугун қурилиш сановатида кенг қўлланаётган ушбу технология ана шу шубҳаларни бутунлай тарқатиб юборди.

Энергия тежамкор, кимёвий жиҳатдан барқарор, ўтда ёнмайдиган, захда зангламайдиган ва юқори босимга чидамли бу материал мамлакатимизнинг қайси ҳудудларида ишлаб чиқарилмоқда? Қурилиш соҳаси вакиллари "қора олтин" деб атаётган мазкур маҳсулот қандай қилиб бозорда мустақкам ўрин эгалламоқда?

Йигирма йиллар аввал катта-кичик қора тошни эритиб, ундан пахтадек юмшоқ изоляция плиталари тайёрланишига ишонини қийин эди. Чунки уша пайтларда "иссиқлик изоляцияси" деганда кўпчиликнинг кўз олдида асосан "шиша пахта" ёки оддий пенопласт келарди. Базальт эса шунчаки тоғларда учрайдиган катта-катта тош сифатида қабул қилинган.

Вақт кўп нарсани исботлади. Бугунги кунда янги қурилаётган кўп қаватли уйлар деворларига ўрнатилган жигарранг ва кулранг базальт плиталари, зангламайдиган арматуралар ва қувурлар замонавий қурилишнинг ажралмас қисмига айланиб бораётти.

Базальт маҳсулотларига талабнинг ортиси тасодифий эмас. Бу глобал энергия муаммоси, экологик стандартларнинг қатъийлашуви ва технологик янгиланишлар билан боғлиқ.

Бугун республикамизнинг барча ҳудудларида кенг қўлланилаётган ишлари амалга оширилмоқда. Энергия тежамкорликка қаратилган талаблар ортиси базальт хомашёси ва ундан тайёрланадиган материалларга эҳтиёжни сезиларли оширди.

Мутахассислар фикрича, биноларни базальт плиталари билан изоляция қилиш иситиш ва совутиш харажатларини элик физгача камайтириши мумкин.

Шу билан бирга, кўп қаватли бинолар ва сановат объектларида ёнгин хавфсизлиги стандартлари кучайтирилмоқда. Пенопласт ва бошқа полимер изоляторлардан фарқли ўларок, базальт плиталари ёнмайди ва захарли туюн чиқармайди. Бу эса уни жамоат бинолари учун энг хавфсиз вариантга айлантиради.



Базальт табиий тош бўлгани учун у чиримайди, моғорламайди ва кимёвий таъсирларга чидамли. Ундан тайёрланган маҳсулотлар элик йилдан ортиқ хизмат қилади. Геометрик шакли ва физик хусусиятларини йўқотмайди. Бу эса қурилиш объектларининг фойдаланишдаги харажатларини кескин камайтиради.

Базальтдан нафақат изоляция плиталари, балки арматура ва толарлар ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Бундай арматура анъанавий пўлат арматурадан 3-4 баравар енгил ва зангламаслиги билан ажралиб туради. Мустақкамлик даражаси ҳам юқори.

Айниқса, намлик юқори бўлган ҳудудларда, кўприклар ва йўл инфратузилмалари қурилишида базальт талаб кескин ошмоқда. Бундай технологиялар нафақат истемолчи учун, балки мамлакат миқёсида энергия ресурсларини тежашда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Президент Шавкат Мирзиёев ўтган ҳафта Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғида Термиз туманидаги "Surkhon Sandwich" корхонасида базальт маҳсулотлари ишлаб чиқариш линияси билан танишгани мазкур йўналишга қаратилган эътиборнинг яна бир исботидир.

Президентимизнинг ташрифлари ҳудуддаги барча соҳаларни жонлантирди, – деди корхона таъсисчиси Ваҳром Раупов ўза мухбири Йқром Аввалбоевга. Корхонамиз ички ва ташқи бозордаги талабдан келиб чиқиб, 26 миллион доллар инвестиция ҳисобига иш бошлаган. Бугун бизда йилига 30 минг тонна базальт хомашёсини қай-

та ишлаш қуввати мавжуд. 345 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти бор. Маҳсулотларимиз ички бозор билан бирга Тожикистон ва Афғонистонга ҳам экспорт қилинмоқда. Хомашёнинг асосий қисми Олтинсой туманидаги конлардан олинади. Корхонада ҳозир 200 киши доимий иш билан таъминланган.

Давлат раҳбари бундай объектларда маҳсулот сифати, маҳаллийлаштириш даражаси ва экспорт салоҳиятини янада ошириш муҳимлигини қайд этди.

Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги "Khorezm Insulation Group" қўшма корхонаси ва Жиззах вилояти Фориш туманидаги "Basalt Uzbekistan" кластери соҳадаги йирик лойиҳалардан ҳисобланади.

Форишдаги корхонада йилига 177 минг тонна базальт тошдан 42 турдаги маҳсулот олинади. Хусусан, тола, ровинг, композит арматура, қувурлар, геосеткалар ва изоляция плиталари ишлаб чиқарилмоқда. Маҳсулотларнинг саксон фоизи АКШ, Англия, Польша, Италия, Чехия, Грузия, Россия, Туркия, Беларусь, Қозғистон, Қирғизистон ва Тожикистон каби давлатларга экспорт қилинмоқда.

Тахлиллар дунё қурилиш сановатида базальт маҳсулотларига талаб йил сайин ортиб бораётганини кўрсатмоқда. Мамлакатимизда хомашё базасининг кенглиги ва ишлаб чиқаришнинг маҳаллийлаштирилаётгани эса истиқболда янада юқори кўрсаткичларга эришиш имконини яратди.

Кўксаройдаги мулоқот мамлакат ёшларига шижоат бағишлади



Др. Чидем ТУРКЙИЛМАЗ, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университети ректори.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Кўксарой қароргоҳида мамлакат ёшлари билан ўтказган сўнгги мулоқоти Ўзбекистоннинг модернизация йўлидаги тараққиётида туб бурилиш нўқтаси бўлди. Марказлашмаган рақамли тармоқ орқали 60 000 нафар ёшлар етакчисини бирлаштирган давлат раҳбари Ўзбекистоннинг 22 миллионлик ёшлари шунчаки демографик кўрсаткич эмас, балки миллий трансформациянинг асосий иқтисодий ва стратегик харақатлантирувчи кучи эканлигини амалда кўрсатиб берди.

Президент Ш.Мирзиёев стратегиясининг негизида "муаммоларни ҳал қилиш" ёндашуvidан проактив экотизим яратиш моделига ўтиш ётади. Анъанавий бошқарув модели оdatда демографик босим инкнрозга айланишини кутиб, сўнг чора кўради: бироқ Президентимиз Стратегик прогнозлаш бошқаруви тамойилини амалда қўлламоқда.

2030 йилга бориб меҳнат бозорига ҳар йили 1 миллион ёшлар кириб келишини англаган ҳолда, бугуннинг ўзида кўшимча 200 миллион доллар маблағ ажратиб орқали ҳукумат келажак воқелигига ҳозирданок инфратузилмани яратмоқда. Бу проактив раҳбарликнинг энг ёрқин кўринишидир: бугун иш берувчилар авлодини ташкил этиш, эртанги кунда юзага келиши мумкин бўлган ишсизлик муаммоларининг олдини олиш демакдир.

Давлат раҳбари ўтмишдаги ота-оналик ижтимоий таъминот моделларини "тадбиркорликка асосланган бошқарув" концепцияси билан самарали алмаштирди. Ушбу моделда давлат мамлакатнинг бош инкубатори вазифасини бажаради. Узини ўзи банд қилганлар учун кредит лимитининг 300 миллион сўмгача, кенгайтирилган корхоналар учун эса 10 миллиард сўмгача оширилгани ёш тадбиркорларни жиддий иқтисодий субъект сифатида кўришиди.

Бу глобал технопаркларда қўлланиладиган Леан Стартап методологиясини эслатади. Ҳукумат юқоридан паства йўналтирилган бюрократия эмас, балки "Платформа-хизмат сифатида" тамойили асосида ҳарақат қилиб, гоё босқичидаёқ бухгалтерия, маркетинг ва ҳуқуқий маслаҳатлар берувчи худудий инкубаторлар орқали "профилактик қўллаб-қувватлаш"ни таъминлайди. Бу эса, лойиҳанинг узок мудатли барқарорлигини кафолатлайди. Ушбу замонавий бошқарув ёндашуvinинг ўзига хос жиҳати шундаки, унда ижтимоий ўзгаришларни тезлаштиришда фискал рағбатлардан фойдаланишдир. Президентимизнинг тайёрлов марказларига мулкни ижарага берган фуқароларни даромад солигидан озод қилиш ҳамда масофавий таълим марказлари учун ижтимоий солиқни камайтириш ҳақидаги қарорлари юқори даражадаги фискал мослашувчанлигини намоён этиди. Бозорни мажбур қилиш эмас, балки рағбатлантириш воситалари билан таъсир кўрсатиш орқали маъмурият ҳам билимларга асосланган иқтисодиётнинг ўсишини жадаллаштиради, ҳам кучли хусусий секторни ривожлантиради.

Замонавий бошқарув назариясига кўра, тизимнинг барқарорлиги унинг инклизивлиги, яъни кенг қамровлиги билан баҳоланади. Жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган ёшларга интенсив дастурлаш ва дизайн курсларини тақлиф қилувчи "Иккинчи имконият" лойиҳаси Инклизив инсон ресурсларини бошқариш соҳасидаги ҳақиқий маҳорат дарслари бўлиб хизмат қилади. Бу лойиҳа миллий тараққиётнинг барқарор бўлиши учун ҳар бир фуқаро, ўтмишдан қатъи назар, рақамли иқтисодиётга ҳисса қўишиши учун зарур воситаларга эга бўлиши лозимлигини англашга хизмат қилади.

Самарқанд шаҳри 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадаси ва халқаро стартап саммитларига мезбонлик қилишга тайёргарлик кўраб экан, ёшларимизга йўланган хабар аниқ: давлат имтиёзли кредитлар, солиқ преференциялари ва глобал дипломатик нуфўз орқали улкан имкониятлар майдонини яратиб бермоқда.

Ўзбекистоннинг ёш инноваторлари учун Президент Мирзиёевнинг замонавий бошқарув ёндашуvi янги имкониятлар очиб бермоқда. Эндиликда мамлакатнинг тараққиёт йўли ёшларнинг инновацияларга бўлган интилиши ва ватан равнақи йўлидаги маъсулиятига боғлиқ. "Янги Ўзбекистон"да Кўксарой мулоқоти хулоса эмас, балки мустақил, фаровон ва ёшлар етакчилигидаги келажакка қаратилган стратегик сафарбарликдир.

Маҳаллалар инфратузилмаси яхшиланмоқда



Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 28 мартдаги "Ислом тараққиёти банки иштирокида "Қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш" (2-босқич) лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига биноан, Бойсун, Ангор, Музработ, Шеробод ва Термиз туманларидаги маҳаллаларнинг сублойиҳа бўйича муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси тубдан янгиланмоқда.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Қиска вақт оралиғида Шеробод шаҳри ва туманидаги 8 та маҳаллада ички кўчаларга асфальт ётқизиilib, пиёдалар учун махсус йўлақлар қурилди. Ҳозирда 3 та маҳалла идорасини янгитдан қуриш, ичимлик ва оқова сув тармоқларини янгилаш ҳамда электр таъминотини яхшилаш ишлари жадаллик билан давом этапти. Шу билан бирга, 2 та мактабгача таълим муассасаси ва 1 та умумтаълим мактабини қуриш, 6 тасини мукамал таъмирлаш юзасидан зарур техника воситалари жалб этилиб, қурилиш-монтаж ишлари бошлаб юборилди.

Шеробод тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи Бобур Эргашевнинг таъкидлашича, айти пайтда 12 та маҳаллани бир-бирига боғловчи 30 километрга яқин масофага тоза ичимлик суви тармоғини тортиш учун қазил ишлари олиб борилиб, ҳар қандай об-ҳаво ҳамда босимга чидамли қувурлар ётқизилмоқда. Шунингдек, "Богобод", "Дехқонарик" маҳалла фуқаролар йиғинларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари ҳам худуднинг муҳандислик-коммуникация тармоқларини ривожлантириб, ижтимоий салоҳиятини оширмоқда. Булардан ташқари, йўлларга яқин жойда жойлашган ва ноқонуний қурилмалар бузирилиб, уларнинг ўрнида тикниш-бичиш цехи, новвойхона, техника воситаларини таъмирлаш устaxonаси барпо этиляпти. Иншоотлар ишта тушса, 30 нафар ёшлар доимий иш билан таъминланади.

Музработ туманининг "Нурли хаёт" маҳалла фуқаролар йиғинида 25 километр масофадаги электр тармоғи янгиланиб, 250 кВА қувватга эга 3 та трансформатор ўрнатилди. Лой ва чанг йўллари ўрнида 3,7 километр пиёдалар йўлакчаси ва энергия тежамкор тунги ёритиш чироқлари ўрнатилди. 17 километр масофадаги асосий ва ички йўллар мукамал таъмирланиб, асфальт қилинмоқда. 3 та кўприк реконструкция қилиниб, ички ариқларда бетонлаш ишлари давом этмоқда.

Инфратузилмани ривожлантиришга қаратилган бу каби ҳарақатлар вилоятнинг Ангор туманидаги "Карвон" ва "Чинобод" МФЙ, Термиз ҳамда Бойсун туманларида танлаб олинган яна ўнлаб маҳаллада давом этапти.



Янги Ўзбекистон нафаси кириб бораётган “Янги Наманган”

▼ Маҳалла оқсоқоли Акбаржон Холматов (ундан биринчи) ва “Норин туман йуллардан фойдаланиш” ДМ раҳбари Маҳмуджон Темиров (ўртада).

Ўтган йилнинг 16-17 сентябрь кунлари мамлакатимиз Президенти қурилиш, саноат, энергетика, қишлоқ ва сув хўжалиги корхоналари, ижтимоий муассасалардаги намунали лойиҳалар, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишиш мақсадида Наманган вилоятига ташриф буюрганди.

Президент ташрифи давомида туман ва маҳаллаларга янгича қиёфа олиб кириш учун бюджетдан жами 5 триллион сўм ажратилиши, жумладан, Наманганда Косонсой ва Норин туманларига 100 миллиард сўмдан, қолган туманларнинг иккитадан “огир” маҳалласига эса 5 миллиард сўмдан йўналтирилиши, уларни меҳнатда намунали, ҳаёти фаровон, тадбиркорликда етакчи ҳудудга айлантириш чоралари қўриш белгиланганди.

Хўш, ўтган ярим йил ичида Президентимиз ташриф буюрган Норин туманида нима ўзгаришлар бўлди? Ана шу саволга жавоб олиш мақсадида туманда бўлдик.

Бир асрлик тўйини нишонлайдиган туман

Норин тумани вилоятнинг жанубий-шарқий қисмида жойлашган бўлиб, у 1926 йил 29 сентябрда ташкил этилган. Тарихий манбаларга асосланган бўлса, туман бундан 100 йил олдин ташкил этилган экан. У 1962-1973 ва 1988-1989 йилларда Учқўрғон тумани таркибид бўлган. Норин тумани Адижон вилоятининг Балиқчи ва Избоскан туманлари билан chegaradosh. Сўнги маълумотларга кўра, бугунги кунда тумандаги битта шаҳар ва 57 та маҳаллада салкам 160 минг аҳоли истиқомат қилади.

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 20 декабрдаги “Худудларда юқори иқтисодий ўсиш ва аҳоли бандлигини таъминлашнинг янги тизимини йўлга қўйиш ҳамда бу борада маҳаллий ҳокимликларнинг роли ва масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 5 августдаги “Туман (шаҳар)ларда иқтисодий ўсишга туртки берувчи драйвер лойиҳаларини шакллантириш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида” ги қарориндан келиб чиқиб, Наманган шаҳри иқтисослашувини ҳисобга олиб, Норин туманида саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларида иқтисодий ўсишга туртки берувчи 3 та драйвер лойиҳалар рўйхати шакллантирилган, – деди туман ҳокимининг қурилиш, тўсиқларсиз муҳит яратиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик, экология ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича ўринбосари Акрамали Юсуфов. – Улардан бири тумандаги Тошқин, Марғизор ва От-



бозор маҳаллаларини боғловчи Муस्ताқиллик кўчасини зарурий инфратузилма билан таъминлаб, туну-кун хизмат кўрсатишга ихтисослашган 24/7 кўчага айлантириш орқали 26 та тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва 10 та тадбиркорлик фаолиятини кенгайтирган ҳолда 110 та янги иш ўринлари яратишди.

Бундан ташқари, 2026 йилга режалаштирилган бунёдкорлик ишлари қаторидан туман марказидаги “Ёшлар хибони” ни реконструкция қилиш, “Нуроний боғи” ни замонавий кўринишга келтириш ҳамда хибон ва боғни боғловчи ер усти пиедалар ўтиш йўлакчасини қуриш, Ўзбекистон кўчасида пиедалар ҳаракати учун қўлайлик яратиш, Беруний кўчасини аҳоли қатнови учун қўлай, хизмат ва сервис ривожланган кўчага айлантириш, туман марказидаги музейни реконструкция қилиш, Навоий номи маҳалла ҳудудиде жойлашган спорт мактаби тасарруфидеги туман марказий футбол ўйингоҳи негизда кўшимча спорт комплекслари ташкил этиш, Норин дарёсининг “Юқори Чўжа” МФЙ ҳудудидан оқиб ўтувчи 2,6 километр қисмида соҳил бўйи туризм объектини ташкил этиш, “Хўжаобод” МФЙда 27-сонли умумтаълим мактабини энергия самарадорлиги таъминлаш асосида модернизация ва реконструкция қилиш ҳам ўрин олган.

Тумандаги Тегирмонбози маҳалласида ички йўллари асфальтлаш, пиедалар йўлакчаси қуриш, йўл четига ариқларга лоток, қуёш панелли тунги ёритиш чироклари, дам олиш ўриндиклари ва чикинди қутилар ўрнатиш, “Янги Наманган” МФЙнинг асосий кўчасида хизмат ва пиедалар ҳаракати учун қўлайлик яратиш мақсадида марказий кўчанинг икки томонида пиедалар йўлакчаси ташкил қилиш, йўл четига замонавий темир тўсиқлар ўрнатиш, тунги ёритиш тизими билан таъминлаш, ариқларга бетон лотоклар, дам олиш учун ўриндиклар ўрнатиш,

“Янги Наманган”да нима гаплар?

Вилоятга ташрифи чоғида давлатимиз раҳбари режадан ташқари Норин туманидаги Шўрариқ маҳалласига кирганди. Айтиш керакки, ўша даврда маҳалланинг шароити оғир. Ички йўллар таъмирталаб, кўча чироклари ва лотоклар йўқ. Маҳаллада 5 мингдан зиёд аҳоли яшаган, 62 та камбағал оила, 118 нафар ишсиз, 157 одам миграцияда бўлган.

Аслида, туманлараро йўл бўйида жойлашган маҳаллада тадбиркорлик, савдо ва хизматларни ривожлантириш бўйича имконият талайгина бўлган. Ёш турган биноларни давлат-хусусий шериклик асосида қувватга киритиш мумкин эди.

Президентимиз ҳудуддаги муаммолар бўйича аҳоли фикрларини эшитиб:

– Энди бу маҳаллани тубдан ўзгартириб, Янги Ўзбекистон нафасини олиб кирамиз. Кўчалар обод қилиниб, қиёфаси янгиланади. Одамларнинг яшashi, сайр қилиб, болалари билан дам олиши учун муносиб шароитлар бўлади, – деганди.

Ўша пайтнинг ўзида мутасаддиларга маҳаллани намунали маҳаллага айлантириш, унга шаҳар муҳитини олиб кириш ва тадбиркорлик учун шароитларни яхшилаш бўйича мастер-режа ишлаб чиқиш, у асосида жойлар тайёр лойиҳа ва инфратузилма билан ташаббускорларга тақлиф этиш бўйича кўрсатмалар берилганди. Режага кўра кўрсатмаларнинг барчаси ҳаётга тадбиқ этилгач, маҳалланинг салоҳияти ошиб, атрофдаги 5 та маҳалла учун марказга айланиш кўзда тутилганди.

Замонавий маҳалла гузары ва сайилгоҳ барпо этилиши, болалар ва спорт майдончалари, кутубхона, касб ва тил ўргатиш маркази, банк соҳобчаси ташкил қилиниши, мактаб ва боғчалар давлат инвестиция дастури доирасида капитал таъмирланиб, кўчалар асфальтланиши, манзарали ва мевали дарахтлар, гул қўчатлари экилиши, эскирган ва ҳосилдорлиги паст бўлган тўлиқ янгилаштириш, ижтимоий шарҳнома асосида одамлар ўз уйлари тартибга келтириши режа қилинганди.



Аввало айтиш керакки, Президентимиз ўтган йилги ташрифи чоғида Шўрариқ маҳалласи номи “Янги Наманган” номига ўзгартириш қиритиш тақлифини берганди. Шундоқ ҳам бўлди. Эндиликда маҳалла “Янги Наманган” номини олди. Шўрариқнинг номи ўзгартиришга қолмай, янги қиёфага қираётганини, унга Янги Ўзбекистон нафаси кириб бораётганини сафаримиз чоғида тўғри айтдик.

– Маҳалла фуқаролар йиғини раислигига ўтган йилги сайловларда сайланганман, – деди биз билан суҳбатда маҳалла оқсоқоли Акбаржон Холматов. – Бугунги кунда маҳаллада 1248 та хонадонда 5286 нафар аҳоли истиқомат қилади. Тақдирни қарангки, оқсоқолликка сайланган илимни ўзида юртбошимиз билан қўришиш ва маҳалламиз қиёфасини ўзгартиришда иштирок этиш бахтига муяссар бўлдим. Давлатимиз раҳбарининг маҳалламизга ташрифидан сўнг анчагина ишлар амалга оширилди. Аввало, маҳалламизни Янги Ўзбекистоннинг энг олди маҳаллалари қаторига киритиш борасида Президентимиз олдимизга қўйган вазифаларни амалга ошириш мақсадида вилоятимиз раҳбари бошчилигида вилоят, туман корхона ва ташкилотлари ишчи ходимлари жалб этилмоқда.


Шу кунгача маҳалладаги мавжуд маънан эскирган Маданият уйи, собиқ почтанинг эски биноси, 13-сонли мактабгача таълим ташкилоти, 16-сонли мактабнинг бинолари ҳамда “Норинмаҳсуслувудрат” МЧЖнинг бино иншоотлари бузилиб, ишлаб чиқилган мастер режага асосан янги бинолар қуриш ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, “Намангансаноатлоийха” МЧЖ лойиҳаси асосида “Бунёдкор Мубошер” МЧЖ 870 ўринли мактаб, “Замин дизайн” МЧЖ лойиҳаларининг ишланмалари асосида “Келажак мега строй” МЧЖ жами 330 ўринли мактабгача таълим ташкилоти биноларини бунёд этишмоқда.

16-умумтаълим мактаби ҳудудиде Спорт вазирлиги ҳомийлигида 15х26 ўлчамдаги комплекс спорт майдончасини қуриш ишлари якунланиб, фойдаланишга топширилди. Маҳалланинг мастер режасига асосан тадбиркор Жобирхон Камалиддинов ҳомийлигида маҳалла маркази ва хизмат кўрсатиш объектларини қуриш ишлари олиб борилмоқда.

Илгарилари оддий муволажа учун ҳам маҳалла аҳолиси бир неча чақирим наридаги поликлиникага боришларига соатлаб вақт сарфлашар эди. Эндиликда маҳаллошларимизнинг оғирини енгил, ўзганин яқин қилиш учун маҳалла ҳудудиде 100 қатновли замонавий поликлиника биноси қурилмоқда.

“Худудий электр тармоқлари” АЖ томонидан 250 та темир-бетон таянч устунлари, 63 та траверс ўрнатилиб, 1,1 километр тармоқ тортилди ва битта подстанцияни таъмирлаш ишлари амалга оширилди. “Худудий газ” корхонаси томонидан эса хатловдан ўтказилган хонадонларнинг 810 тасига суолтирилган газга мослаштирилган хавфсиз қутилар ўрнатилди. “Ўзсувтаъминот” АЖ Наманган филиали томонидан тоза ичимлик суви таъминотини яхшилаш мақсадида

▼ Маҳалла маркази биноси лойиҳаси.



▼ Поликлиника биноси қурилиши ва лойиҳаси.



маҳалла ҳудудиде 110 метр чуқурликдаги қудуқ қазилиб, сув минораси иншоотини қуриш ишлари давом этмоқда. Шунингдек, маҳалла кўчаларига 400 та колодез ва 14 километр сув тармоғи тортилди. Шунингдек, вилоят Сув хўжалиги бошқармаси томонидан “Юксалиш” кўчасидаги 1 километр ариқ четларини бетонлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Маҳалла ҳудуди бўйлаб юрарканмиз, анчагина эскириб, қатнаётган автомашина хайдовчиларини ҳам, пиедаларни ҳам таъбини хири қиладиган йўллари янгилаш ишлари олиб борилаётганига кўзимиз тушди. Шу ерда ишчиларга бош-қош бўлиб турган “Норин туман йўллардан фойдаланиш” ДМ раҳбари Маҳмуджон Темировни суҳбатга тордик.

– Йўллари тартибга келтириш, таъмиртадбирларини таъмирлаш бўйича Норин туманида катта ишлар амалга оширилмоқда. Шулардан бири, “Янги Наманган” маҳалласида олиб борилаётган ишлардир, – деди у. – Ҳозирда маҳалланинг 8 та кўчасида жами 11 километр ички йўллар тўлиқ асфальтланди, марказдан ўтувчи умумфойдаланиш йўли четларига 1,2 километр лоток ўрнатилди. Бугунги кунда Д-115 йўлининг “Янги Наманган” МФЙ ҳудудидан ўтувчи 25 километрлик масофаси тўлиқ таъмирланмоқда. Айни чоғда мазкур йўлдаги мавжуд ўйди-чуқурлар барфараф этилиб, бирламчи асфальт ётқизилди. Бу ишларни амалга оширишга 47 нафар ишчи-хизматчи, 12 та техника жалб қилинган.

Вилоят Бандлик бошқармаси томонидан маҳаллани ишсизлик ва камбағалликдан холи қудуғда айлантириш бўйича чора-тадбирлар белгиланиб, бугунги кунда 39 нафар оилалар камбағалликдан чиқарилиб, уларнинг сони 26 тага туширилди ҳамда 113 нафар фуқаролар бандлиги таъминланди. Шунингдек, миграциядан юрган 115 нафар фуқаролар билан суҳбатлашилди. Маҳалладаги тадбиркорлик муҳитини ошириш юзасидан вилоят Савдо-саноат палатаси, Кичик саноат зоналари дирекцияси мутахассислари ва туман ҳокимлигининг мутасадди ходимлари томонидан 100 дан ортиқ тадбиркорлар билан суҳбат олиб борилиб, мастер-режага асосан уларни ҳудуд майдонида жойлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Ҳозирда маҳалла марказида бузилган ижтимоий соҳа ва хизмат кўрсатиш объекти ўрнига тасдиқланган мастер-режа асосида биринчи қаватида маҳалла маркази, юқори қаватларида савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари ўрин оладиган бино, Ёшлар маркази, Маданият маркази, хизмат кўрсатиш ва хўнарамданлар шохобчалари бинолари фойдаланишга топширилгач 400 нафар аҳоли иш билан таъминланади. Шунингдек, касб-хўнара коллежининг бўш ётган 0,42 га ер майдонида кичик саноат зонаси ташкил этилиб, саноат ўлпектаси йўли билан 6 та ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилиши ва 300 дан ортиқ иш ўринлари яратилиши кўзда тутилмоқда.

Маҳалла оқсоқолининг гапларида жон бор. Маҳаллага келганимизда, рамазон ойи бўлишига қарамай иш қизгин паллада эканини кўрдик. Ён-атрофдан ўтаётган ҳаму қарининг чехрасидаги табассумдан олиб борилаётган бунёдкорлик ва ободончилик ишларидан мамнун эканликларини илғаш қийин эмас.

– Қилинаётган ишлардан жуда мамнунмиз, – деди “Янги Наманган” МФЙ фаоли Одижон Исманов. – Президентимиз маҳалламизнинг номи “Янги Наманган” номига ўзгартириш тақлифини берганини олиб борилаётган ишлар замирида кўряпмиз. Маҳалламизга бунчалик эътибор қаратилмаганда, яқин орада маҳалламиз нафақат вилоятимизда, балки республикамиздаги энг кўркам маҳаллалардан бирига айланишига имоним қомил. Барча қилинаётган ишлар учун, албатта, юртбошимизга маҳалламиз аҳли номидан ташаккур билдирамиз.

Дарҳақиқат, минг бор эшитгандан кўра, бир марта кўрган яхши, деб бежизга айтишмаган. Сафаримиз чоғида “Янги Наманган” да амалга оширилаётган ишлар Президентимиз таъбири билан айтганидек, бу ерга чинкамаки Янги Ўзбекистон хавоси кириб бораётганини эшитмадик, ўз кўзимиз билан кўрдик.

Ўз мухбирларимиз.

Сана

Юксак чўққиларни забт этаётган аёлларнинг жонли тимсоли

Козим ТУЛЯГАНОВ,
Архитектура ва қурилиш соҳасида Фахрийлар кенгаши раиси.



Юртимизга кириб келган баҳор фасли муҳтарам онажонлар, мунис опа-сингиллар ва дилбар қизларнинг байрами билан кишиларга янада кўтаринки кайфият бағишлайди.

Яратганнинг мўъжизаси

Она табиат чирой очиб, атроф-муҳит ашил либосга бурканиб, баҳор нашидаси тобора кучайиб бораётган айни шу фусункор айёмда сизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун Ўзбекистон аёлларини Архитектура ва қурилиш соҳасида Фахрийлар кенгаши номидан 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни билан қутлаймиз!



Бу байрамда биз – юртимизнинг кексаю ёш барча эркаклари ҳақиқатан ҳам Яратганнинг мўъжизаси бўлмиш аёл сиймоси олдида, авваламбор, меҳрибон оналаримиз олдида бош эгиб, таъзим бажо келтирамиз. Мунис опа-сингилларимиз, вафодор умр йўлдошларимиз, дунёдаги энг чиройли, лафозли қизларимизни табриклаб, уларнинг шаънига самимий ва эзгу тилақларимизни, чуқур ҳурматимизни изҳор этамиз. Жажжи қизалоқ набираларимизни бағримизга босиб, чин юракдан қутлаймиз.

Шу кунларда ҳаммамизнинг тилимизда, дилимизда бўлган бир фикрни ҳеч иккиланмасдан айтишни зарур деб биламан. Бу дунёда ширин ва ахил, бахтли ҳаёт учун пойдевор яратиб, инсонни инсон, оилани мустақкам қиладиган, биз учун севги-муҳаббат, вафо ва садоқат тимсоли бўлиб келаётган сиз, гўзал ва бетакрор, қадрдон аёлларимиздир.

Сизлар бутун жамиятнинг ҳар бир соҳасида фаоллик кўрсатиб, ғайрат ва шижоат билан юртимиз тараққиётига ўз ҳиссангизни қўшиб келмоқдасиз. Илм-фан, санъат ва маданият, ҳаттоки қурилиш-бунёдкорлик соҳаларида ҳам сизларнинг ўринингиз катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Ташаббускор, фаол ва меҳнаткаш аёллар туфайли жамиятимиз янада ривож топиб, юртимиз тобора гўллаб-яшнамоқда.

Чиндан ҳам, аёллар ўзининг беқиёс меҳри ва фидойилиги, сабр-қаноати ва чидамлилиги билан хонадонларимизда, бутун жамиятимизда тинчлик-хотиржамлик, тотувлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини сақлаб, ҳаётимизга файзу тароват бағишлайди. Тунлари бедор бўлиб, болаларимизни баркамол инсон, Ватанимизнинг мард ва жасур ҳимоячиси этиб воғга етказадиган, умр йўлларимизда қандай оғир синов ва машаққат дуч келмасин, уларни ениб ўтишда руҳимизни кўтариб, кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшадиган инсонлар ҳам, ҳеч шубҳасиз, дунёдаги энг мўътабар зотлар, қалби дарё меҳрибон ва оқила аёлларимиздир.

Азиз ва қадрли опа-сингилларим!

Бамисоли баҳор элчиси бўлиб келаётган, ўзингиздек гўзал ва дилбар мана шу қутлуг айёмда барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман. Умрингиз узоқ, иқболингиз зиёда бўлсин! Барча эзгу орзу-ниятларингиз амалга ошиб, оилангиз ва фарзандларингиз, элу юртимиз ардоғида бўлинг!

Бугунги Ўзбекистон аёли нафақат оила бекаси, балки жамиятнинг энг масъулиятли жабҳаларида ўз сўзини айта оладиган, ислохотлар шиддатига билим ва қатъият билан ҳисса қўшадиган бунёдкор шахсдир. Ана шундай фаол ва ташаббускор замондошларимиздан бири, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси Умида Байзақовадир.

Абдужаббор АЛИҚУЛОВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Паркент туманида зиёлилар оиласида дунёга келган Умида Байзақова ёшлигидан билимга чанқоқ, ижодга меҳр билан ўлгайди. Бу иштиёқ уни 2007 йилда Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетига етказди. Ўз билимини янада мустаҳкамлаш мақсадида 2013 йилда Педагог кадрларни қайта тайёрлаш институтида ўзбек тили ва адабиёти йўналиши бўйича ҳам тахсил олди.

Унинг меҳнат фаолияти кўп қиррали бўлиб, изланишга интилиши ҳамда меҳнатсеварлиги билан ажралиб туради. Фаолиятининг дастлабки босқичида Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг "Ассалом, Ўзбекистон!" кўрсатувида мухбир сифатида ишлаган. Ушбу давр мобайнида у оммавий ахборот воситалари орқали кенг жамоатчилик билан бевосита мулоқот қилиш, долзарб ижтимоий мазмунларни ёритиш ҳамда журналистик маҳоратни шакллантириш имкониятига эга бўлди. Шу билан бирга, Учтепа туманидаги 4-мактабда она тили ва адабиёти фанидан дарс бериб, ёш авлодни тарбиялаш, уларнинг маънавий дунёсини бойитиш ва миллий қадриятларга ҳурмат руҳида камол топишига ҳисса қўшди.

Бу тажриба унинг педагогик масъулияти

ва жамият олдидаги бурчини янада чуқурроқ хис этишига хизмат қилди. Кейинги йиллар давомида у телерадиоканалларда муҳаррир ва шарҳловчи сифатида фаолият юритиб, ахборот сиёсати, тахлилий материаллар тайёрлаш ҳамда жамоатчилик билан самарали мулоқот олиб бориш борасида катта тажриба тўплади. Шунингдек, ушбу даврда Тошкент вилояти Турizmни ривожлантириш департаментида матбуот котиби лавозимида ишлаб, туризм соҳасининг ахборот сиёсатини шакллантириш, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ва худуднинг туризм соҳасини тарғиб этишда фаол иштирок этди.

Умида Байзақова 2019 йилдан бошлаб, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги тизимида турли лавозимларда фаолият юритиб келмоқда. Мазкур соҳада у давлат сиёсатини тарғиб қилиш, жамоатчилик билан очик мулоқотни йўлга қўйиш ҳамда маънавий-маърифий ишларни ташкил этишда фаол қатнашмоқда. 2024 йилдан буён эса вазирнинг Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозимида фаолият олиб бориб, соҳада давлат тилининг нуфузини ошириш, маънавий-маърифий муҳитни мустаҳкамлаш ва соҳада самарали коммуникацияни йўлга қўйиш йўлида хизмат қилиб келяпти.



Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳаси кўпчилик тасавурида фақат техник чизмалар ва бетон конструкциялардан иборатдек туюлади. Бироқ Умида Байзақова бу тушунчага янгича руҳ бағишлади. У соҳадаги барча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни лингвистик экспертизадан ўтказиб, давлат тилининг софлигини сақлашда ҳақиқий жонқуяр сифатида гавдаланади. Унинг ташаббуси билан вазирликда ходимлар ўртасида китобхонлик маданияти шаклланди. Махсус "Китоб бурчақлари" ташкил этилиб, соҳавий ва бадиий адабиётлар билан бойитилди. Шунингдек, у вазирликнинг Касаба уюшмаси раиси ва ёшлар масалаларига масъул ходим сифатида ходимларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлашда фаол хизмат қилмоқда.

Умида Байзақова фақат идора иши билан чекланиб қолмайди. У 2023 йилдаги Конституциявий ислохотлар даврида Андижон вилоятида 100 дан ортиқ маърифий-тарғибот тадбирларида маърузачи сифатида қатнашган бўлса, Президент сайлови жараёнларида гуруҳ раҳбари сифатида ўз ташкилотчилик қобилиятини намойён этди.

Унинг 14 йиллик самарали ва фидокорона меҳнати давлатимиз томонидан ҳам муносиват эътироф этилган. Хусусан, "Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 30 йиллиги" эсдалик нишони, "Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш аълочилиги" кўкрак нишони билан тақдирланган. Бу эътироф унинг профессионал фаолияти, масъулиятли ёндашуви ҳамда олиб бораётган самарали ишларининг яна бир ёрқин тасдиғи ҳисобланади.

Умида Байзақова бугунги кунда ҳам ўз устидан ишлашдан тўхтамаган. У Тошкент архитектура-қурилиш университетининг 4-босқич талабаси сифатида мухандислик соҳасини ҳам чуқур ўрганмоқда. Бир нафар фарзанднинг онаси, садоқатли рафиқа ва қатъиятли раҳбар сифатида у аёл кишининг жамиятда қанчалик юксак чўққиларни забт эта олишига жонли тимсолдир.

Сараланганлар сафида бўлиш бахти

Юртимизда фидойилик билан меҳнат қилиб, ижтимоий ҳаётда намунали фаолият олиб бораётган, оиласи ва жамоаси учун ибрат кўрсатиб келаётган хотин-қизлар доимо эътирофда, эъзозда. 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни арафасида мамлакатимизда хотин-қизларга кўрсатилаётган юксак эҳтиром ва эътибор яна бир бор ўз ифодасини топди. Президент Фармонига мувофиқ, турли соҳаларда самарали меҳнат қилиб келаётган фидойи аёллар давлат мукофотлари билан тақдирланди.

Дилдора КАРИМОВА,
"Навоий кон-металлургия комбинати" АЖ Матбуот маркази мухбири.



ишларида ҳам унинг хизмати чексиз. Бу ишлар Олиянинг тажрибасини янада оширмоқда. Жамоаси ва ҳамкасблари Олия Ибрагимовани ўз ишининг устаси, жонқуяр ходим сифатида яхши билишади.

Улкан техникани бошқариш, албатта, масъулият, довораклик ва диққатни талаб қилади. Фикр ва ҳаракатни жамлаш, ҳар бир жараёни эҳтиёткорлик ва ўта эътибор билан бажаришга тўғри келади. Буни чуқур хис қилган О. Ибрагимова касбий билим ва тажрибасига таянган ҳолда, ишга жонқуярлик ва интизом билан ёндашади. Бир пайтлар у яқинларига меҳнатни орқали жамоада муносиб ўрин эгаллаш, касбининг устасига айланиш ва юрти раванқига ҳисса қўйиш нияти борлигини айтган эди. Ана шу эзгу интилизлари уни масъулият билан меҳнат қилишга ундади. Баланд кранларни маҳорат билан бошқариб, ишлаб чиқариш режаларини ўз вақтида орғичи билан бажариш орқали у жамоаси ишончини қозонди, раҳбарият эътиборига тушди.

Эътиборли жиҳати шундаки, у нафақат соҳа фидойиси, балки ибратли оиланинг саранжом бекаси, фарзандларининг меҳрибон онажонисидир. О. Ибрагимованинг турмуш ўртоғи Хуршид Каримов Марказий кон бошқармаси 9-сонли автобаза автомобиль ҳайдовчиси. Қизи Сабина ва ўғли Сардорбеклар Навоий давлат кончилиги ва технологиялар университети талабалари.



Унинг ҳаётида қурилиш соҳаси тарихини кўриш мумкин

8 март – Халқаро хотин-қизлар куни нафақат байрам, балки жамият тараққиётида аёлларнинг ўрни ва масъулиятини яна бир бор англаш имкониятидир. Юртимиз ривожига ҳисса қўшиб келаётган ана шундай аёллардан бири – Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Пудрат бозори ҳамда тендер, рейтинг ва буюртмачи тизимини ривожлантириш бошқармаси етакчи мутахассиси Анна Караматовадир.

Абдужаббор АЛИҚУЛОВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Унинг меҳнат йўли орқали нафақат бир инсон тақдирини, балки мамлакатимиз қурилиш соҳасидаги ислохотлар тарихи ҳам кўзга ташланади.

Анна Караматова асли бухоролик. 1983 йилда Тошкент политехника институтини тамомлаб, қурувчи-муҳандис мутахассислигини эгаллади. Бу даврда техник соҳа аёллар учун анча мураккаб ва кам учрайдиган йўналишлардан бири эди. 1976 йилдан бошланган меҳнат фаолияти унинг касбий шаклланиш мактаби бўлди. Илк қадамларини "ЎзНИИПродстроительств" институти Бухоро филиалида чизувчи-конструктор сифатида бошлаган ёш мутахассис кейинчалик муҳандис сифатида ишлаб, соҳада катта тажриба ортирди.

Эътиборли жиҳати шуки, аёл киши учун қурувчи муҳандис касби нафақат билим, балки қатъият, ирода ва масъулият талаб қилади. Анна опа ҳам ана шу фазилатларни амалда намойён этди. 2004 йилдан бошлаб, у Ўзбекистон Республикаси давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси тизимида фаолият юритди. Кейинчалик қўмита вазирлик сифатида қайта ташкил этилган, тизимда тендер, давлат харидлари, рейтинг ва буюртмачи механизмларини такомиллаштириш йўналишида олиб бориб, 2019-2023 йилларда давлат харидларини методологик таъминлаш ва мувофиқлаштириш йўналишида етакчи мутахассис сифатида фаолият юритди. Фақат ижрочи эмас, балки тизимли таҳлил қила оладиган мутахассис эканини ҳам амалда намойён этди.

Анна Иванованинг ҳаёт йўли шундан далолат берадики, техник билим ва бошқарув кўникмалари жинс билан эмас, меҳнат ва интилиз билан белгиланади. Қолаверса, унинг ўғли ҳам онасининг изидан бориб, ҳозирда мамлакатимизда сув таъминоти тизимини ривожлантиришга масъул йиринк ташкилот ҳисобланган "Ўзсувтаъминот" акциядорлик жамиятида фаолият юритади. Демак, оиладаги касбий анъана жамоат хизматида садоқат билан давом этмоқда.

Баҳор янгилининг фасли бўлса, жамият тараққиётида аёллар иштироки барқарор ривожланишнинг кафолатидир.

Чизган лойиҳалари ҳам ўзидек гўзал ва бетакрор

“Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ” ДМ биносининг учинчи қаватидаги 309-хонани республикамиз ҳудудларида қурилиш соҳасида фаолият юритаётган тадбиркор ва буюртмачилар яхши билишади. Бу хонада 54 йиллик тажрибага эга малакали архитектор – Ольга Юлдашева меҳнат қилади.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Лойиҳани тайёрлаб, унга ишлов бериш осон эмас. Ҳар бир нуқтаси юрак қаъридан чиқиши лозим. Соҳанинг бундай қатъий талабига эса ҳар ким ҳам жавоб бера олмайди. Ишлаб чиққан юзлаб лойиҳалари ўзининг сифати ва замон андозаларига мослиги билан Ольга Васильевна эл-юртга танитди.

У бир ишга киришса, охирига етказмагунча вақт билан ҳисоблашмайди, ҳаловат нима экани билмайди. Шунинг учун ҳам хонасининг эшиги ҳеч қачон ёпилмаган, ҳар дам йўқлаб келувчиларнинг кети узилмайди. Қўлида сайқал топган лойиҳалар эса эътирозлардан йироқ, Касб сирларини мукамал ўрганиб, мустақил фаолият юритаётган шогирдлари ҳам ундаги бу хислатларни ўзлаштириб олишган.

Айни пайтда тажрибали мутахассис асосан лойиҳалар бош архитектори сифатида фаолият юритмоқда. Жумладан, у Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус, Қўнғирот, Беруний шаҳарлари ва Қораўзақ, Кегейли шаҳарчаларининг бош режалари муаллифидир. Булардан ташқари, Жиззах вилоятининг маъмурий маркази, Пахтакор, Зомин, Зафаробод, Галлаорол, Гагарин, Бўстон, Дўстлик, Даштобод, Лалмикор, Гулзор, Учтепа, Ғолиблар, Арнасой каби шаҳарчаларнинг бош режаларини қайта кўриб чиқиш орқали тайёрланган 17 та замонавий лойиҳалар ҳам ана шу тажрибали мутахассис меҳнатининг маҳсулидир. Яна 12 та батафсил режалаштириш лойиҳалари юзасидан 2023-2024 йилларда Жиззах шаҳри, Учтепа, Ғолиблар ва Арнасой шаҳарчаларида кўплаб бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Ольга Юлдашева бош архитектор сифатида лойиҳаларни тайёрлаш аввалида ҳар бир манзилни пухта ўрганиб, сўнгра ишга киришади. Масалан, Қашқадарё вилоятида амалга оширилган 5 та лойиҳа – Шаҳрисабз, Қарши, Муборак шаҳарлари ва Мираки, Ғузор шаҳарчаларида бажарилган ишлар сифат ва мукамаллиги билан эътироф этилган. Шунингдек, Сурхондарё вилоятининг Сароисиё, Қумқўрғон, Озод Ватан шаҳарчалари, Самарқанд вилоятидаги Хўжа Исмоил, Гулистон, Заркент каби шаҳар ҳамда шаҳарчаларнинг бош режа лойиҳалари ҳам ўзига хослиги билан тилга тушган.



– Ольга Юлдашева кўп йиллик меҳнат фаолияти давомида соҳада катта тажриба тўплаган ходимлардан, – деди “Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ” ДМ бош директори Бобир Элмурадов. – У жамоани бирлаштирган устахона раҳбари сифатида ҳамкасбларини доимо изланишга ундайди, ёшларнинг касбий маҳоратини оширишга ёрдам беради. Қолаверса, институтнинг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва меҳнат жамоасида ижодий муҳитни таъминлаш каби ташкилий-тадбирий ишларда ҳам фаолият кўрсатиб, ҳамкасбларига намуна бўлмоқда. Шунинг учун ҳам маънавияти инсон, малакали мутахассис сифатида шогирдлари, ҳамкасблари ўртасида хурмат қозонган.

Мукамал инсон касбини севса, уни вақт билан ўлчамайди, у орқали ўзидан ахшилик қолдиришга интилади. Худди шу хислатни Ольга Васильевнада кўриш мумкин. У эрталаб ишга қачон келганини каминга кўрган эмасман. Бироқ тунги 21 дан ошганига қарамай, муассасанинг 309-хонасида ишлар хануз давом этаётганини ениб турган чироқлар доимо англаб туради. Демак, айни пайтда бу ерда юртимиздаги ҳудудлардан бирининг бош режа лойиҳаси малакали ходимлар томонидан тайёрланмоқда.

Шаҳарсозликда фидойилик намунаси



Юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган заҳматқаш, касбига садоқатли мутахассислардан бири – Умида Рашидовадир.

Абдуҷаббор АЛИҚУЛОВ,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

У Тошкент шаҳрида зиёлилар оиласида таваллуд топган. Оилавий муҳитдаги маърифат ва билимга хурмат руҳи унинг келгуси ҳаёт йўлини белгилаб берди. 1976 йилда ўрта мактабни муваффақиятли тамомлаб, Тошкент давлат политехника университетига ўқишга қабул қилиниши – унинг аниқ фанлар ва муҳандислик соҳасига бўлган қизиқиши, қатъияти ва интилишининг амалий ифодаси эди.

Университетни тугатган, 1983 йилда йўланма асосида Ўзбекистон лойиҳалаштириш илмий-тадқиқот институтига борди. Мазкур даргоҳда қарийб 28 йил давомида Смета-ҳисоб

ҳаражат бўлимида мутахассис сифатида фаолият юритди. Бу йиллар нафақат касбий тажриба, балки масъулият, аниқлик ва иқтисодий таҳлил маданияти шаклланган давр бўлди. Смета ҳужжатлари ҳар қандай қурилиш ёки реконструкция лойиҳасининг иқтисодий пойдевори ҳисобланади. Демак, у бунёдкорлик жараёнининг кўзга кўринмас, аммо ҳал қилувчи ҳалқаси сифатида фаолият олиб борди.

2012 йилдан буён эса “Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ” давлат муассасасида Смета ва нархларни шакллантириш бўлими шўъба мудири сифатида ишлаб келмоқда. Фаолияти давомида у нафақат мутахассис, балки ёш кадрлар учун устоз сифатида ҳам намуна бўлиб келмоқда. Замонавий шаҳарсозлик шароитида нарх-наво ва ҳаражатларнинг иқтисодий асосланган ҳолда шакллантирилиши стратегик аҳамиятга эга. Умида она ана шу мураккаб жараёнларнинг марказида туриб, юртимизда амалга оширилаётган йирик инфраструктуралар лойиҳаларга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Унинг меҳнат йўли мамлакатимиздаги кўплаб муҳим объектлар билан боғлиқ. Хусусан, 2013 йилда “Бахт” соғломлаштириш лагери қурилиши ва реконструкция ишларидаги меҳнати ёш авлод саломатлигига қаратилган эзгу саъй-ҳаракатлар ифодасидир. Шунингдек, Урганч, Фарғона ва Навоий шаҳарларидаги халқаро аэропортлар қурилиши ва реконструкция ишларида смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш жараёнида ҳам фаол қатнашди. Қолаверса, Шаҳрисабз шаҳридаги Тарихий Оксарой мажмуаси хиббони қурилишидаги иштироки ҳам миллий мерос ва замонавий ободонлаштириш уйғунлигини таъминлашга қаратилган ишлар сирасига кирди. Шунингдек, “Ўзбекфильм” акциядорлик жамияти биноси, “Наврўз” парки, “Қўқсарой” мажмуаси каби яна кўплаб бино-иншоотлар қурилиши ҳамда реконструкциясидаги меҳнати унинг касбий кўламини янада кенгайтди.

2023-2024 йилларда Тошкент халқаро аэропортини қуриш ва реконструкция қилиш ишларида смета ҳужжатларини ишлаб чиқишда қатнашиши унинг кўп йиллик тажрибаси ва ишончли мутахассис сифатида таш олинганининг ёрқин далилидир. Бундан ташқари, у Ўзбекистон Республикасининг Тожикистон Республикасидаги элчихонаси, “Тошкент-Хумо” аэропорти, Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси биноси, Фарғона йўли, Тошкент халқа йўли каби стратегик аҳамиятга эга лойиҳаларнинг смета ҳужжатларини тайёрлашда ҳам қатнашди.

Умида Рашидованинг меҳнат фаолиятини таҳлил қилар эканмиз, бир жиҳат яққол кўзга ташланади. У доимо бунёдкорликнинг иқтисодий асосини мустаҳкамлашга ҳизмат қилган. Қурилиш соҳасида аёл мутахассис сифатида узоқ йиллар давомида етакчи позицияларда ишлаши бу нафақат шахсий муваффақият, балки жамиятда хотин-қизларнинг интеллектуал салоҳияти ва раҳбарлик қобилиятини намоён этувчи ибратли мисолдир.



"O'zshaharsozlik LITI"

BOSH LOYIHA INSTITUTI DAVLAT MUASSASASI



Bahor faslining ilk bayrami

Xalqaro xotin-qizlar kuni

munosabati bilan siz aziz ayollarni, muhtarama onaxonlarni hamda maftunkor qizlarni muborakbod etamiz!

Sizlar bor joyda hayot me'moriy go'zallikka, kelajak esa mustahkam poydevorga ega bo'ladi. Qalbingizdagi nur barpo etayotgan shaharlarimizdek ko'rkam, orzularingiz esa osmonimizdek yuksak bo'lsin!





Инсонлар хавфсизлигини таъминлаш асосий мезон

Маълумки, шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш ишлари биринчи навбатда, объектларнинг зилзилабардошлиги ва ёнғин хавфсизлиги талабларига қай даражада жавоб бера олиши бўйича чуқур таҳлил қилинади.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Мана шу жараёнда конструктив ечимларнинг ишончилигини, барча ҳисоб-китоблар амалдаги меъёрий ҳужжатларга мувофиқ келиши ҳамда инсонлар хавфсизлигини таъминлаш даражаси асосий мезон сифатида кўриб чиқилади.

Бунёдкорлик соҳасида бу каби ўта масъулиятли вазифани сидқидилдан бажариб келаётган фидойи ходимлардан бири – "Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi" ДМ етакчи мутахассиси Дилфуза Абдурахмоновадир.

Тошкент автомобиль йўллари институтида бино ҳамда иншоотлар қурилиши бўйича олий маълумотга эга бўлган, у шу ерда фундаментал таълим услубисини, йўл қурилиши факультетида маънавий-марифий ва тарбия ишлари бўйича декан уринбосари вазифаларида ишлаган. Олийгоҳда тажрибали устозлардан ўрганганлари, орттирган тажрибаси бугун "Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi"

ДМдаги меҳнат фаолиятида лойиҳаларни чуқур таҳлил қилиш жараёнида қўл келмоқда.

– Лойиҳаларни экспертизадан ўтказишга масъул мутахассис кучли билимга эга ва соҳани мукамал ўзлаштирган бўлиши лозим, – деди Дилфуза Абдурахмонова. – Эксперт йўл қўйган биргина камчилик ёки хато турли ҳодаларга сабаб бўлиши мумкин. Шу боис, марказимизда бу масалага алоҳида эътибор берилди. Касбга дахлдор янгиликларни мунтазам кузатиб бориш қаторида, малака оширилади, тажрибали ҳамкасбларнинг иш услублари ўрганилади.

Ана шу тартиб-тамоилларга қатъий амал қилаётган қаҳрамонимиз шаҳарсозлик қондаларига таянган ҳолда кейинги йилларда пойтахтимизда қад ростлаган "Nest one" кўп тармоқли мажмуа, "Pigami" кўп қаватли комплекс турар жой ҳамда бизнес маркази, меҳмонхона ва офис, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети каби иншоотларнинг лойиҳаларини экспертиза қилишда иштирок этди. Булардан ташқари, Боку, Абу Даби, Тожикистон, Астана, Москва шаҳарларидаги Ўзбекистон элчихоналари биноларини экспертизадан ўтказиши ҳам бош-қош бўлган.

Етакчи мутахассис Дилфуза Абдурахмонова масъулиятли вазифани бажариш жараёнида ёшларни соҳани мукамал ўзлаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Объектларни экспертизадан ўтказиш пайти асосан нималарга жиддий эътибор қаратиш кераклигини ёш кадрларга эринмасдан тушунтиради. Бугунги кунда уларнинг ақсарияти мустақил фаолият олиб бораётган ва бунинг учун устозидан миннатдор.

Фидойи хотин-қизлар – соҳа таянчи

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳаси деганда кўз олдимизда, аввало, машаққатли ва заҳматли меҳнат гавдаланади. Баланд бино ва иншоотлар, муҳандислик тармоқлари, аҳоли фаровонлигига хизмат қилаётган улкан тизим – буларнинг барчаси юксак масъулият, қатъият ва билим талаб қилади. Аммо бу соҳада шундай нозик хилқат вакиллари борки, улар ўзининг салоҳияти, ташаббускорлиги ва фидойилиги билан тизим ривожига беқиёс ҳисса қўшиб келмоқда.

Адхам ЭГАМБЕРДИЕВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Ана шундай фидойи аёллардан бири – Жиззах вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармасининг Девонона ва ижро назорати бўйича бош мутахассиси Татяна Юдинадир.

11 йиллик меҳнат фаолияти давомида у уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимида турли вазифаларда ишлаб, бой амалий тажриба орттирди. Хусусан, 2018-2023 йилларда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини мувофиқлаштириш йўналишида ишлаб, аҳолининг уй-жой шароитларини яхшилаш, ширкатлар фаолиятини самарали ташкил этиш ва мониторинг ўрнатишда фаол иштирок этди. Жойлардаги муаммоларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва амалий тақрифларни ишлаб чиқиш орқали тизимли ишлаш тажрибасини мустаҳкамлади.

2023 йилдан буён бош бошқармада Девонона ва ижро назорати бўйича бош мутахассис сифатида фаолият юритиб келаётган Татяна Юдина иш юритиш тизимини замонавий талаблар асосида ташкил этишга муносиб ҳисса қўшди. Унинг бевосита ташаббуси билан "edo.uz" электрон тизими орқали ҳужжатлар айланиши тўлиқ рақамлаштирилди. Бу эса ижро интизомини янада мустаҳкамлаб, мурожаатларни ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқиш имконини берди.

Рақамлар эса унинг меҳнати самарасини яққол намояндалар. 2024 йилда юқори турвчи ташкилотлардан 2875 та ижро ҳужжати қабул қилиниб, тўлиқ ижроси таъминланди. 814 та жисмоний ва юридик шахслар мурожаати



ўз вақтида кўриб чиқилди. 2025 йилда эса 3702 та хат ва ижро ҳужжати, 938 та мурожаат назоратга олинди, ижроси таъминланди. Бу – оддий статистика эмас, балки минглаб инсонларнинг муаммолари ўз ечимини топганини аниқлатади.

Татяна Юдина нафақат ўз вазифасига масъулият билан ёндашди, балки меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этишда ҳам фаоллик кўрсатиб келмоқда. Ёш мутахассисларга устозлик қилиб, ўз билим ва кўникмаларини инча нуқталарига ўргатади. У жамоада касбига садоқати, интизоми ва инсоний фазилатлари билан алоҳида ҳурмат қозонган. 2022 йилда "Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш аълочилиги" кўкрак нишони билан тақдирлангани ҳам унинг меҳнатига берилган муносиб эътирофдир. Рус миллатига мансуб бўлишига қарамай, ўзбек тилини мукамал ўзлаштиргани, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни чуқур англаб, фаол иштирок этаётгани унинг Ватанга садоқатли, жонқуяр ходим эканини кўрсатади.

Бугун Жиззах вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси ҳамда унинг тизим ташкилотларида юзлаб хотин-қизлар меҳнат қилмоқда. Улар орасида тажрибали архитекторлар, қатъиятли муҳандислар, уй-жой фондини сақлаш бўйича фидойи мутахассислар ва бошқарув кадрлари бор. Уларнинг ҳар бири иш кўни – шаҳарларимиз чиройи, бинолар мустаҳкамлиги ва хонадонларимиз ободлиги учун хизматдан иборат.

Аёл меҳри теккан жойда тартиб, гўзаллик ва барака бўлади. Қурилиш ва коммунал хўжалик каби масъулиятли тизимда меҳнат қилаётган аёллар эса нафақат соҳанинг, балки жамиятнинг ҳам таянчига айланмоқда.

Илм, ирода ва иншоотлар бунёдкори



Қадимдан баҳор инсон ҳаётида янги саҳифа очилишининг рамзи сифатида қадрланган. Табиат кишики сукунатдан чиқиб, янги ҳаётга намоён бўлар экан, инсон қалбида ҳам интилиш, бунёдкорлик ва эзгу орзулар кучаяди. Шу фаслда нишонландиган 8 март – Халқаро хотин-қизлар кўни эса янгилини тимсолини янада теран мазмун билан бойитади. Бу байрам нафақат баҳорий шўкух, гўзаллик ва латофат айёми, балки фидойилик, илм, матонат ва жамият тараққиётига қўшилган улкан ҳиссани эътироф этиш кунидир.

Абдуҷаббор АЛИҚУЛОВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Ана шундай шарафли ва масъулиятли йўлни танлаб, ўз умрини илм-фан, бунёдкорлик ва педагогик фаолиятга бағишлаган устоз – Наргиза Талиповадир.

Тошкент шахрининг Хастимом маҳалласида зиёли оилада таваллуд топган Наргиза опа оиладаги тўнғич фарзанд сифатида илмга меҳр руҳида тарбия топди. Ота-онасининг китобхонликка, фикр алмашишга, дунёқарашини кенгайтиришга ундовчи тарбиясини унинг ҳаётини танловларида ҳал қилувчи ўрин тутди. 1969 йилда Шайхонтоҳур туманидаги физика-математика фанига ихтисослаштирилган 115-мактабга қабул қилинган қаҳрамонимиз айнан аниқ фанларга бўлган қизиқиши билан ажралиб турарди. Бу мактабда олий таълим муассасаларидан келган етакчи олимлар сабоқ беради, ўқувчилар эса фан олимпиадаларида фаол қатнашарди. Айниқса, физика ва математика йўналишидаги мусобақалар Тошкент политехника институти қошида ўтказилгани ёш Наргиза қалбида муҳандисликка бўлган ҳавасни янада кучайтирди.

1980 йилда у Тошкент политехника институтининг Инженер-қурилиш факультетига ўқишга кирди. Бу танлов тасодиф эмас эди. Аввало,

отаси тажрибали инженер-қурувчи Зухриддин Саидходжаевнинг касбий фаолияти, назарий билим ва амалий маҳорат уйғунлиги қизига кучли таъсир кўрсатган. Қурилиш жараёналарини болалиқдан кузатиш, чизмалар ва лойиҳаларга қизиқиш – буларнинг барчаси келажакда касб пойдеворини яратди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган архитектор, профессор Тўлкиной Қодированинг меъморчилик назарияси ва миллий анъаналарни замонавий архитектурага уйғунлаштириш ҳақидаги асарлари ҳам Наргиза опанинг дунёқарашига кучли таъсир кўрсатганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Демак, бу ерда биз бир муҳим жиҳатни кўрамай, қайсики, аёлнинг касбий қамолати кўпинча оила, устоз ва идеал тимсоллар уйғунлигида шаклланади.

Олий таълимни тамомлагач, у ТошЗНИИЕП лойиҳа институтида кичик илмий ходим сифатида меҳнат фаолиятини бошлади. 1991 йилда аспирантурага қабул қилиниб, илмий раҳбари бошчилигида "Фаоллаштирилган кварс қумлари асосида карбид полимербетони" мавзусида таъкид олиб борди. Мазкур изланишлар натижасида 4 та муаллифлик гувоҳномасига эга бўлди. Сўнгги йилларда эса 2022-2024 йилларда амалга оширилган юқори мустаҳкамликка эга,



Фаол аёллар сони ортаверсин



Инсон кадр-қиммати ва фаровонлигини таъминлашни бош мақсад қилган мамлакатимизда мустақиллик шарофати билан хотин-қизларнинг фаоллиги алоҳида аҳамият касб этапти. Биргина қурилиш ва бунёдкорлик ишларининг мураккаблигига қарамасдан Янги Ўзбекистонни қуришга астойдил куришган юртдошларимиз орасида аёллар ҳам фол иштирок этмоқда. Бу – АЁЛ нафақат оила ва фарзандлар тарбиясида, балки барча жабҳада эркаклардан ортда қолмаётганидан далолатдир.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Ана шундай оқила ва меҳнатқаш аёллардан бири – Қорақалпоқ давлат университетига иқтисодчи мутахассислигини эгаллаб, ўз соҳасида иш бошлаган Гулайим Эшмуратовадир.

Худуддаги янгилинишлар даврида молиявий тежамкорликни тўғри ташкил қилиш орқали натижадорликка эришиш унинг бош мақсади эди. Шу боис, қорхона раҳбари берган дастлабки топшириқ бўйича Оролбўйи минтақасида бунёд этиладиган бир нечта иншоотнинг лойиҳаси, шаҳарсозлик қондалари ва талабларига мос келишини таъминлаш масаласини батафсил

емирилишга бардошли бетон ишлаб чиқариш технологиясини яратиш лойиҳасида катта илмий ходим сифатида иштирок этди. Бу нафақат назарий, балки амалий қурилиш соҳасида ҳам унинг салмоқли ўрни борлигини кўрсатади.

Бугунги кунда Наргиза Талипова Тошкент архитектура-қурилиш университетининг Шаҳар инфратузилмаси кафедраси доценти сифатида фаолият юритмоқда.

У кишининг 40 йиллик меҳнат фаолиятининг 35 йили илмий-педагогик фаолият билан боғлиқ. У кўплаб бакалавр ва магистрларга илмий раҳбар бўлди. Бугун унинг шоғирдлари етакчи қурилиш ташкилотлари ва лойиҳа институтида самарали меҳнат қилишмоқда. Устозлик – шунчаки дарс ўтиш эмас. Бу инсонни қамолга етказиш, ҳаётга теран нигоҳ бахш этиш ҳамда жавобгарлик туйғусини синдириш демакдир. У муаллиф сифатида 6 та ўқув қўлланма ва 5 та дарсликни яратган бўлиб, мазкур нашрлар қурилиш соҳаси талабалари ва мутахассислари учун муҳим методик манба вазифасини ўтаб келмоқда. Шунингдек, олимнинг 180 та илмий мақоласи республика ва халқаро миқёсдаги нашрларда чоп этилган бўлиб, улар қурилиш материаллари технологияси, шаҳар инфратузилмаси, инновацион бетон турлари ва замонавий муҳандислик ечимларига бағишланган.

Унинг кўп йиллик самарали меҳнати давлат ва соҳа миқёсида ҳам муносиб эътироф этилган. Жумладан, "Ўзбекистон мустақиллигининг 15 йиллиги" эсдалик нишони билан тақдирланган.

Ҳар қандай муваффақиятга аёл ортда мустаҳкам оила туради. Наргиза опа ҳам бу ҳақиқатни эътироф этади. Турмуш ўртоғининг қўллаб-қувватлаши, фарзандларининг соғомонлиги, оиладаги инноклик унинг касбий муваффақиятларида муҳим омил бўлган. Эътиборлиси, унинг ўз фарзанди ҳам айнан қурилиш соҳасида фаолият юритади.

8 март – Халқаро хотин-қизлар кўни арафасида Наргиза Талипова ҳаёт йўлига назар ташлар эканмиз, бир ҳақиқат янада ойдинлашади: замонавий ўзбек аёли нафақат оила бекаси, балки илм-фан вакили, бунёдкор, устоз ва етакчидир. У бетон ва темир орасида ҳам нозик дидини, қатъият ва меҳрни уйғунлаштирилади. У аудиторияда талабга сабоқ беради экан, эртанги шахрлар пойдеворини ҳам мустаҳкамлайди.

Биз ҳам бу фидойи устоз тимсолида юртимизнинг барча аёлларини байрам билан муборакбод этамиз.

қўриб чиқиб, ҳулоса тайёрлашга шижоат билан киришиди. Университетда олган билими зиммасига оқиланган вазифани аниқ ва тўғри бажаришда қўл келди.

Йиллар силсиласи Гулайим Эшмуратовани соҳани чуқур ўзлаштириш орқали шаҳар ва туманлар кесимида қурилаётган юзлаб объектларнинг шаҳарсозлик талабларига мос бўлишини молиявий томондан аниқ ҳисоблаб чиқишга ўргатди. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги хузуридаги "Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi" ДМ Қорақалпоғистон Республикаси бошқармасида ҳисобчи лавозимида ишлаб, анчагина тажриба тўплади.

Жумладан, шаҳарсозлик ҳужжатларини белгиланган норма ва қондалар асосида тайёрлаш, объектларнинг зилзилабардошлигини ошириш, барча ҳужжатлар сифатли ишлаб чиқишнинг юзасидан олиб борган ҳаракатлари туфайли жамоада ҳурмат қозонди. Айтайлик, 2025 йилда бошқарма томонидан амалга оширилиши белгиланган 2023 та янги қурилиш, реконструкция қилиш, мукамал ва жорий таъмирлаш ишларининг лойиҳа-смета ҳужжатларига йиғма экспертиза ҳулосалари тақдим этилганди. Ҳужжатларни норматив талабларга мослаштириш, лойиҳа ечимларини яхшилаш, улардаги асосиз кўзда тутилган харажатларни чиқариб ташлаш натижасида лойиҳа-смета ҳужжатларидаги ортинча ҳисобланган 466,36 миллиард сўм маблағ иқтисод қилинишида Гулайим Эшмуратованинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

– Ҳужжатларни кўриб чиқиш ва шаҳарсозлик қондаларига мослаштириш жараёнида фақат ортинча харажатларни чиқариб ташлаш билан қиёяланмаймиз, – деди у. – Оролбўйи минтақасидаги шаҳар ва туманларнинг ерларида шўрланиш даражаси юқори бўлгани сабабли балл банитети ҳам ўзгарган. Шу боис, қурилиши мўлжалланган ҳар бир объектга лойиҳа ташкилоти вакили ва тегишли мутахассислар билан бирга чиқиб, таҳлил қиламиз. Сўнгра, талабга жавоб беради, лойиҳа қурилади. Аксинча бўлса, уни мис даражада тайёрлаш тавсия этилади.

Фаровонлигини таъминлаш йўлида фидойилик билан меҳнат қилаётган Гулайим Эшмуратова каби фаол аёллар ҳар қанча эътибор ва эътирофга лойиқдир. Уларни 8 март – Халқаро хотин-қизлар кўни билан чин юракдан табриқлаймиз, бошлаган ҳар бир ишларида омад ёр бўлсин!

"SHAHARSOZLIK HUJJATLARINI EKSPERTIZA QILISH RESPUBLIKA MARKAZI" ДМ va uning hududiy filiallari jamoalari

*Yurtimizning barcha ayollarini
8 mart - Xalqaro xotin-qizlar kuni
bilan tabriklaydi.*

Ayollari ardoqlangan yurt qudratli bo'ladi,
shu bois, yurtimizda xotin-qizlar doimo e'zozda.

Aziz ayollar, opa-singillar-u munisa qizlar,
hamisha ardoqda, e'zoz va hurmatda bo'lish
har biringizga nasib etsin!





Меҳнатга садоқат ва меъморликка муҳаббат йўли

Юртимиз тараққиёти ва шаҳарсозлик соҳасида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларида аёл мутахассисларнинг ҳам ҳиссаси катта. Зеро, архитектура – бу фақат бинолар қуриш эмас, балки инсонлар ҳаёти, уларнинг турмуш тарзи ва келажаги учун қулай, хавфсиз ҳамда эстетик муҳит яратиш санъатидир.

Арофат ЭРМАТОВА,
"O'zog'irsanoatloyiha" институти АЖ
бошқарув бўлими СММ менежери.

Ана шу масъулиятли ва шарафли йўлда фидокорона меҳнат қилиб келаётган мутахассислардан бири – Ўзбекистон меъморлар уюшмаси аъзоси, тажрибали архитектор Гулноза Касимовадир.

Ишчилар оиласида таваллуд топган Гулноза Касимова ёшлигидан аниқ фанлар ва тасвирий санъатга қизиқиб ўлайди. 1988 йилда Тошкент шаҳридаги 167-мактабни муваффақиятли тамомлаб, шу йили Тошкент архитектура-қурилиш институтига ўқишга кириди. Архитектура мутахассислиги бўйича кечки бўлимида тахсил олиш давомида меҳнат фаолиятини ҳам бошлади. Бу эса, назарий билим билан амалий тажрибанинг уйғунлашувига замин яратди.

У меҳнат фаолиятини 1988 йилда "Ўзшаҳарсозлик" АЖнинг (ҳозирги "Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ" ДМ) Архитектура-қурилиш бўлимида техник-архитектор вазифасидан бошлади. Ёш мутахассис сифатида лойиҳалаш жараёнларида фаол иштирок этиб, касбий маҳоратини ошириб борди. 1994 йилда институтни имтиёзли диплом билан тамомлаб, ҳақиқий малакали мутахассисга айланди. 1998-2006 йиллар давомида "Ўзшаҳарсозлик" АЖда етакчи меъмор сифатида фаолият юритиб, кўплаб аҳамиятга молик объектлар лойиҳаларини яратиш жараёнида иштирок этган. 2006 йилдан эса хусусий секторда фаолиятини давом эттириб, "Perfect Design" МЧЖда бош лойиҳа архитектори сифатида замонавий ва функционал лойиҳаларни амалга ошириш жараёнига раҳбарлик қилади.

2023-2024 йилларда "Ўзоғирсаноатлойтиха" акциядорлик жамиятида лойиҳа ҳам архитектори ва Архитектура сектори мудири сифатида самарали фаолият олиб борди. 2025 йилдан буён институт Бошқарув бўлими бош архитектори лавозимида меҳнат қилиб келмоқда.

Тажрибали архитектор иштирок этган, раҳбарлик қилган йирик ва давлат аҳамиятига молик лойиҳалар орасида Ўзбекистон Исломи цивилизацияси маркази, Имом ал-Бухорийи мажмуаси, Нукус, Самарқанд ва Фарғона шаҳарларида халқаро даражадаги спорт тadbирларини ўтказишга мўлжалланган замонавий гимнастика ва спорт марказлари, "Тошкент-Шарқий" аэропорт мажмуаси объектлари, BYD электромобиллар ишлаб чиқариш заводи каби иншоотлар алоҳида ўрин тутди. Шунингдек, Муқимий кўчасидаги "Novza" турар жой мажмуаси, Бухородаги "Mega Bukhara" савдо маркази, ВЕФТ спорт-соғломлаштириш мажмуаси ва бошқа катор объектлар ҳам унинг ижодий меҳнати самарасидир. Мавжуд биноларни реконструкция қилиш ва янги вазифага мослаштириш каби мурракаб лойиҳалар ҳам унинг муаллифлик назорати остида амалга оширилган.

Гулноза Касимова Ўзбекистон меъморлар уюшмаси аъзоси сифатида Европанинг қатор давлатларида, Туркия, Россия Федерацияси ва Озарбайжонда бўлиб, касбий мулоқот ҳамда тажриба алмашинув жараёнларида қатнашган. 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни арафасида шундай фидойи, билимдон ва ташаббускор аёлларнинг меҳнати эълан қилинган алоҳида аҳамиятга эга. Гулноза Касимованинг касбий фаолияти – садоқат, масъулият ва ижодкорлик уйғунлигининг ёрқин намунасидир.

Меҳнатга муҳаббат ва касбга садоқат билан босиб ўтилган йил эса унинг энг катта ютуғидир.

Замонавий ўзбек аёл архитектори



Баҳор – бу фақат фасллар алмашинуви эмас, балки ҳаётнинг янгича мазмун касб этиши, орзуларнинг яна бир бор қанот ёзиши демакдир. Қишнинг совуқ нафасидан сўнг юртимиз омониди илиқ шамоллар эсар, атроф-олам ранг-баранг гулларга бурканар экан, инсон қалбида ҳам янгилишни ҳисси кучаяди. Ана шу файзли кунларда нишонланадиган 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни табиат ва жамият уйғунлигининг гўзал ифодасидир.

Абдулжаббор АЛИҚУЛОВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Янги Ўзбекистон тараққиётида аёл меъморлар, дизайнерлар ва муҳандислар тобора фаол қатнашмоқда. Қурилиш майдонларида, йирик лойиҳалар бошида, илмий изланишлар ва халқаро платформаларда ўз овози ва услубига эга бўлган аёллар сафи кенгайиб бормоқда. Ана шундай замонавий, қатъиятли ва ижодкор аёллардан бири – Лайло Джалиловадир.

Тошкент шаҳрида туғилган Лайло болалигидан изланувчан бўлган. 6 ёшида мактабга қадам қўйиб, қисқа муддат ичида билим даражаси билан ажралиб турган ёш қизалоқ 1-синфдан 3-синфга ўтганда унинг интеллектуал салоҳияти ва меҳнатсеварлиги намоён бўлди. Санъатга ошно қалби уни П. Бенков номидаги Республика рақамли коллежининг графика бўлимига етаклади. У ерда нафақат ўқиди, балки ижодий жиҳатдан шаклланди. Диплом ҳимоясини энг яхши натижа билан топшириб, ўқини фахрий ёрлиқ ва қизил диплом билан тамомлади.

2011 йилда Тошкент архитектура-қурилиш университетининг Архитектура факультетида ўқишга кирган Лайло талабалик йилларида республика миқёсидаги кўплаб танловларда қатнашиб, совринли ўринларни эгаллади.

Олийгоҳни ҳам қизил диплом билан тамомлаб, илмий изланишларини хорижда давом эттиришни ният қилди. 2016 йилда Туркиянинг Бурса шаҳрида жойлашган Улудаг университети Меъморлик факультетига 100 фоизлик грант асосида магистратурага қабул қилинди. Бу нафақат шахсий ютуқ, балки ўзбек қизларининг халқаро майдондаги салоҳиятини кўрсатувчи муҳим босқич ҳамдир. 2019 йилда "Мавжуд мактабларни энергиятежамкорлик тамойиллари асосида лойиҳавий ечимлар билан қайта таъмирлаш" мавзусидаги диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб, факультетда ягона ўзбек магистранти сифатида миллий гуруҳ тимсолига айланди.

Лайлонинг иш фаолияти талабалик даврида-ёқ бошланган. У ўқиш билан бирга архитектура соҳасидаги ташкилотларда ишлади. "Art Project" ва "Toshloyiha" институтларида архитектор сифатида давлат биноларини лойиҳалаш жараёнларида қатнашди. Экстерьер дизайн, 3D Max дастурида визуализация ишлари орқали у техник ва ижодий кўникмаларини уйғунлаштирди. Халқаро "Dergi Park" платформасидаги журналларда биноларнинг энергия самарадорлигига бағишланган илмий мақолалари турк тилида чоп этилиши унинг илмий салоҳиятини ҳам тасдиқлайди. Туркияда магистратуранинг тугатиб, Тошкентга қайтгач, у Ўзбекистондаги энг йирик ва рамзий лойиҳалардан бири – "Nest one" қурилишида фаол иштирок этди. Бу бино мамлакатдаги ягона осмонўпар иншоотлардан бири сифатида танилган. Лайло "O'zguven" лойиҳа ва қурилиш компаниясида архитектор-дизайнер сифатида иш бошлади ва 5 йил давомида "Nest one" лойиҳасининг пойдеворидан тортиб, яқини безагигача бўлган лойиҳалаш, қурилиш назорати, адаптация ва дизайн жараёнида қатнашди. Дизайн бўлимида турк мутахассислари билан ёнма-ён ишлаган ягона ўзбек архитектор сифатида у профессионал муҳитда ўз ўрнини мустаҳкамлади.

Бугунги кунда Янги Тошкент лойиҳасида 60 минг квадрат метрли Янги Ўзбекистон университети кампуси устида ишламоқда. Бу мажмуа факультетлар, спорт комплекслари, ётоқхона, ресторан ва турар жойларни ўз ичига олган замонавий илмий шаҳарча сифатида барпо этилмоқда. Бундай лойиҳаларда аёл архитекторнинг фаол қатнашуви жамиятда мавжуд гендер тенглиги аста-секин барҳам қолаётганининг ёрқин исботидир. Қолаверса, Лайлонинг ижоди фақат бетон ва шиша эмас, бўёқ ва рангларда ҳам намоён бўлади. У "LUVIYA" номи арт-студия асосини. Ушбу студияда интерьерлар учун расмлар, паннолар ва арт объектлар яратилади.

Лайло болалик хотираларини эсга оларкан "Бувим бир пайтлар Маҳаллада дув-дув гап" фильмида қурилишда ишлайдиган қиз – энгил кавалерия Умида ролини ижро этган. У киши архитектор қизларга ҳавас билан қарар, уларнинг қатъияти ва билимига қойил қоларди, деди. Эҳтимол, бу ҳам тақдирнинг ўзига хос ишорасидир. Уша пайт экран орқали қурилиш оламини боқилган нигоҳ бугун неваранинг реал бунёдкорлик майдонларида, йирик иншоотлар бошида туришига улашиб кетганда гўё. Шундай экан, Лайло Джалилова тимсолида биз замонавий ўзбек аёлининг янги қиёфасини кўраемиз. У бир вақтнинг ўзида рассом, архитектор, илмий изланувчи ва лойиҳа раҳбари бўлибгина қолмай, миллий қадрият ва глобал таваққулни, санъат ва технологияни, назария ва амалиётни уйғунлаштира олган мутахассис ҳамдир.

Фидойилик ва салоҳият тимсоллари

Бугунги тараққиёт даврида илм-фан ва лойиҳа соҳасида хотин-қизларнинг ўрни тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Айниқса, "Komunal loyiha ilmiy-tadqiqot instituti" ДМ жамоасида фаолият юритаётган аёл ходимлар ўзларининг билим ва тажрибаси, ташаббускорлиги ҳамда масъулияти билан алоҳида эътиборга лойиқдир.

Бобур НАЖИМОВ,
"Komunal loyiha ilmiy-tadqiqot instituti" ДМ
матбуот котиби.

Мазкур институтда ишлаб чиқиляётган ҳар бир лойиҳа – бу келажак пойдевори. Шаҳар ва туманлар инфратузилмасини яхшилаш, аҳоли учун қулай шарт-шароит яратиш, замонавий муҳандислик ечимларини жорий этишда аёл мутахассисларнинг ҳиссаси катта. Улар лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, техник таҳлиллар ўтказиш, икитсодий самарадорликни ҳисоблаш каби масъулиятли жараёнларда фаол иштирок этиб келмоқда.

Қурилиш ва лойиҳалаш соҳаси узоқ йиллар давомида асосан эркаклар меҳнати билан боғлаб келинган. Аммо бугунги кунда аёллар ҳам мазкур йўналишда фаол иштирок этиб, йирик лойиҳаларни ишлаб чиқиш, замонавий инфратузилмани шакллантириш орқали шаҳарсозлик тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқда. Шу жиҳатдан, коммуналлойтиха тизимида меҳнат қилаётган аёллар ҳам алоҳида эътиборга лойиқ.

Институтда фаолият юритаётган аёл мутахассислар архитектура, лойиҳалаш, смета ҳисоб-китоблари, муҳандислик коммуникациялари, экология ва шаҳарсозлик каби муҳим йўналишларда самарали меҳнат қилмоқда. Улар турар жой бинолари лойиҳаларини ишлаб чиқиш, ичимлик суви ва канализация тизимларини режалаштириш, иссиқлик таъминоти ва энергия самарадорлиги бўйича ечимлар тайёр-



лаш, замонавий дизайн ва архитектура ечимларини тақриф этиш ишларида қатнашади. Аёлларнинг синчковлиги, масъулиятли ёндашуви ва ижодий қарашлари лойиҳалар сифатини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Хусусан, институтимизнинг фахрига айланган Капитолина Саревская 59 йилдан буён жамоада меҳнат қилиб келмоқда. У 1981 йил "Меҳнат шухрати" ордени, "Меҳнатдаги жасорати учун" медалли, ВДНХ кўргазмасида ҚОС Қарши корхонасида термик ишлов бериш бўйича эришган ютуқлари учун бронза медалли соҳиб бўлган. 90 ёшга тўлиши муносабати билан Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг эсдалик нишони билан ҳам тақдирланган.

Шунингдек, яна бир малакали мутахассис – Ирина Матисина "Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш аълочилиси" кўкрак нишони билан мукофотланган. Наталья Раджапова эса 54 йил давомида институтимизда фаолият юритган фахрий ходимлардан. Насиба Улугова фаолиятининг 17 йиллик, Галина Николаичук эса 57 йиллигини қарши олишмоқда. У "Меҳнат фахрийси" кўкрак нишони билан тақдирланган. Ўғлол Шакаландарова 22 йил давомида фаолият юритиб, кўплаб муҳим лойиҳаларни яратиш

жараёнида иштирок этган ҳамда "Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш аълочилиси" кўкрак нишони соҳибаси.

Институт аёл ходимлари орасида кўп йиллик тажрибага эга етуқ мутахассислар ҳам, илмий изланишлар сари дадил қадам ташлаётган ёш кадрлар ҳам бор. Уларни бирлаштирадиган жиҳат – касбга садоқат, юксак масъулият ва фидойилиқдир. Айниқса, мурракаб лойиҳалар устида ишлаш жараёнида уларнинг синчковлиги, аниқликка интилиши ва тартиблилик фазилатлари муҳим натижаларга замин яратмоқда. Шу билан бирга, институт раҳбарияти томонидан хотин-қизларнинг касбий ривожланиши, малака ошириши ва раҳбарлик лавозимларида фаолият юритиши учун кенг имкониятлар яратилган. Бу эса, аёл ходимларнинг ўз салоҳиятини тулиқ намоён этишига хизмат қилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, бугун институтда меҳнат қилаётган аёллар – бу нафақат муҳандис ёки иқтисодчи, балки келажак бунёдкорлари, тараққиёт меъморлари, ишончли таънчдир. Уларнинг фидокорона меҳнати ортида юзлаб амалга оширилган лойиҳалар, обод маҳаллалар, замонавий инфратузилмалар мужассам.

Самарқанд шаҳридаги "Atlant Project" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси Малоҳат Эшмуратова жамиятимизнинг бахтиёр аёлларидан бири. Ўз бахтини ҳалол ва фидокорона меҳнати орқали топган опа жамиятда маънавий-маърифий ишларни амалга ошириш, юксак ижтимоий-маънавий муҳитни шакллантириш борасида ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Унинг 40 йилдан ортиқ вақтдаги фаолияти бу фикрнинг ёрқин далилидир.

Тўқис бахт

Ҳамза ШУКУРОВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

1990-1991 йилларда Темир йўл вокзалини тубдан таъмирлаш, темирйўл вокзали атрофида ободонлаштириш ва реконструкция ишларини олиб бориш, 1992-1994 йилларда Бўстонсарой кўчасининг биринчи навбатдаги қурилишида қатнашиб, кейинроқ Мирзо Улуғбек ва Туркистон кўчаларидаги бунёдкорлик ҳамда ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, туризм коллежи биносини бунёд этишда у бошлиқ жамоанинг бетакор лойиҳалари ҳаммага манзур бўлган. Қолаверса, Малоҳат Эшмуратова Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал бошқармаси, шаҳар қурилиш ва уй-жой комму-



нал хўжалиги бўлимида масъул лавозимларда ишлаб, соҳа ривожига катта ҳисса қўшган. Уша давр раҳбарлари, пудратчи-бунёдкорлари уни яхши эслашади.

Малоҳат Эшмуратова узоқ йиллик самарали фаолияти давомида ўнлаб бионинг қад ростлашига ҳисса қўшиб, қадимий Самарқанднинг янада обод ва ораста бўлиши йўлида жон қойган.

У 1987 йилдан буён қурилиш соҳасида меҳнат қилиб келаяпти. Айни пайтда нафақа ёшида бўлишига қарамай, шогирдлар даврасида, уларга қурилиш сир-синоатларини ўргатиш, мукамал лойиҳалар яратиш борасидаги тажрибаларини улаштиш билан фаолиятини давом эттираётган.

– Мен аёлининг тўқис бахтини у бошқараётган фаровон оилада, унинг фидокорона меҳнатида кўраман, – деди Малоҳат Эшмуратова.



QURILISHDA MUHANDISLIK QIDIRUVLARI,
GEOAXBOROT VA SHAHARSOZLIK KADASTRI
LOYIHA ILMIIY-TEKSHIRISH INSTITUTI

8 mart
Xalqaro
xotin-qizlar
kuni



QISHLOQQURILISHLOYIHA

Hurmatli opa-singillar, muhtarama
onaxonlar, munis va dilbar qizlar!

Xalqaro xotin-qizlar kuni

munosabati bilan sizlarni chin qalbimizdan
muborakbod etamiz.

Mehringiz – kuch, sabringiz – ibrat,
orzularingiz esa kelajak poydevoridir.
Har bir kuningiz e'tibor, ehtirom va
quvonchga boy bo'lsin!



Садоқат ва масъулият инсонни юксалтиради

8 март – Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган, ўз меҳнати ва фидойилиги билан соҳа ривожига хизмат қилаётган аёллар ҳақида сўз юритиш айна муддаодир. Ана шундай мутахассислардан бири – Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш шўъбаси бошлиғи Нилуфар Раҳматовадир.

Муҳаммаджон ТУГАЛОВ,
Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси матбуот хизмати бош мутахассиси.

Нилуфар Раҳматова 2007 йилда Тошкент тўқимачилик ва енгил соноат институтини бакалавр босқичини, 2009 йилда эса магистратура босқичини муваффақиятли тамомлади. Унинг меҳнат фаолияти ҳам айнан ушбу олий таълим муассасасида бошланди. 2001 йилдан бошлаб котибаликдан тортиб, муҳандис-дас-турчи, услубчи, кадрлар бўлими инспектори ва муҳандисигача бўлган босқичларни босиб ўтди. Айниқса, ходимлар бўлимидаги кўп йиллик тажрибаси инсон ресурслари билан ишлаш соҳасида мустақкам малака ва амалий билим шакллантирди.

2020 йилдан бошлаб у давлат бошқаруви тизимида ўз фаолиятини давом эттириб, Тошкент шаҳар қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциясида кадрлар бўйича инспектор сифатида иш бошлади. Кейинчалик эса инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш



йўналишида бош мутахассис, бўлим бошлиғи лавозимларида самарали меҳнат қилди. Бугунги кунда у Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциясининг Тошкент шаҳар ҳудудий назорат қилиш инспекцияси Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш шўъбасига раҳбарлик қилмоқда.

Инсон ресурсларини бошқариш – бу оддий ҳужжат айланмаси эмас, балки жамоани бир мақсад атрофида бирлаштириш, кадрлар салоҳиятини юксалтириш, адолатли ва очик кадрлар сиёсатини таъминлаш демакдир. Нилуфар Раҳматова ўз фаолиятида интизом, адолат ва масъулият тамойилларига таяниб иш юритади. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги каби юқори масъулият талаб этувчи соҳада инсон омилли хал қилувчи аҳамиятга эга. Шу бонс, у кадрлар малакасини ошириш, ёш мутахассисларни қўллаб-қувватлаш, меҳнат муносабатларида қонунийлик ва шаффофликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқда.

У нафақат масъулиятли раҳбар, балки икки нафар фарзанднинг меҳрибон онасидир. Оила ва иш фаолиятини уйғунлаштириш, касбига садоқат билан хизмат қилиш унинг ҳаёт фалсафасининг ажралмас қисмига айланган. Касбига муҳаббат, тизимли ёндашув ва инсон кадрини улуғлаш – Нилуфар Раҳматованинг меҳнат йўлидаги асосий мезонларидир.

8 март – Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан у каби фидойи, билимли ва ташаббускор аёллар жамиятимиз таянчи эканини алоҳида таъкидлаш жоиз. Зеро, соҳа тараққиёти – ана шундай касбини севган инсонлар меҳнати билан таъминланади.

Касбини севган аёлга машаққат сезилмайди

8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан Қашқадарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси матбуот қотиби Дурдона ЭЛМУРОДОВА Махлиё ШОЙҚУЛОВА билан суҳбатлашди.

– Аввало, ўзингиз ҳақингизда гапириб берсангиз.

– Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳрида туғилиб, шаҳардаги ҳозирги 5-сонли мактабни тамомладим ва Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университетида ўқишга кирдим. 1995 йил Қашқадарё вилояти Қурилиш назорат инспекцияси Сифат назорати (ҳозирги Қашқадарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси) Синов лабораторияси бўлимига ишга кириб, бугунги кунда ҳам шу бўлимда ишлаб келяпман.

– Қурилиш соҳасига кириб келишингизга нима туртки бўлган?

– Эндигина мактабга чиққан пайтимда “Катта бўлсанг ким бўласан?” деб сўрашса, доим “инженер бўламан”, дердим. Бироқ ўша пайтда бу сўзнинг маъносини ҳам, бу касб эгаси нима иш билан шуғулланишини ҳам билмаганман. Мактабни тугатиш арафасида Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университетидан бир гуруҳ ўқитувчилар келиб, имтиҳон олишган. Имтиҳон аввалида университет фаолияти, у ерда ўқийдиган ёшларнинг келажақда қайси соҳа эгаси бўлиши ҳақида маълумот беришар экан, ёшлимданги инженер бўлиш орузи менда яна уйғонди. Қолаверса, ўзим ҳам чизмачиликка қизиқардим.

Шу тарика мактабни битириб, дастлабки иждоий имтиҳонларни топширганимдан кейин университетдан “сўнгги имтиҳонга йўланма



олдингиз” деган таклифнома келган. Ўша кунги ҳиссиётларим ҳозиргидек ёдимда. Қувончим чексиз эди. Ўқиш давомида бу соҳага бўлган қизиқишим янада ортди. 1995 университетни тамомлаб, ҳозирги Қашқадарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси Синов лабораторияси бўлимига мутахассис ходим бўлиб ишга кирдим. Шу йиллар давомида тажрибали устозлардан касб сирларини ўргандим, ушбу соҳага қизиқишим, меҳрим янада ортди.

– Аёл киши сифатида қурилиш соҳасида ишлашнинг дастлабки йилларида қандай қийинчиликларга дуч келгансиз?

– Ишга эндигина кирган кезларим турмушга чиқдим. Бу вазият масъулиятини янада кучайтирди. Айнан қурилиш соҳасида, эркаклар орасида ишлашим энг аввало, турмуш ўртоғимнинг менга билдирган ишончи, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши натижасидир. Қолаверса, онажонимнинг ҳам ёрдами катта бўлди. Фарзандли бўлиб, уларни оёққа қўйишим билан яна иш фаолиятини давом эттирганимда, ҳатто бетоблигида ҳам болаларимни онам паравариш қилган. Ишда кеч қолиб кетганимда, оилавий тадбирларда иштирок этолмаганимда, хизмат сафарларида бўлганимда ҳам шу икки яқин инсоним мени доимо қўллаб-қувватлаб туришган.

– Бугунги кунда қурилиш соҳасида аёлларнинг ўрни ва нуфузи ҳақида қандай фикрдасиз?

– Авваллари бу соҳада фақат эркакларни тасаввур қилишар эди. Аслида эса, қурилиш соҳаси ақл ҳамда иждоийнг уйғунлашуви бўлиб, аёлларда бу сифатлар жуда чиройли шаклланди.

ган. Бугун аёллар нафақат офисларда, балки қурилиш майдонларида ҳам ишлаш имкониятига эга. Бу жараёнлар уларга ҳеч қандай қийинчилик туғдирмапти. Мисол учун, бутун жаҳонга машҳур архитектор Заха Мухаммад Хадид тарихда Прицкер мукофотида сазовор бўлган биринчи аёл архитектор ҳисобланади. У Британия империясининг Командор Хоним ордени совриндори ҳам. Ёки айнаи Ўзбекистонда, ўндан ошқ кран машинисти сифатида фаолият юритаётган аёлларнинг борлиги ҳам фикримизга мисолдир. Бунёдкорлик соҳасини чин юракдан севган аёлга ҳеч қандай машаққат ёки қийинчилик тўсиқ бўла олмайди. Аксинча, жамоанинг гули, маликаси бўлиб ишлайди.

– Ёш мутахассислар, айниқса, қизларга қурилиш йўналишини танлаш борасида қандай маслаҳатлар берган булардингиз?


– Энг аввало, хоҳ у аёл бўлсин, хоҳ эркак, ўзи севган касбини танлаши керак. Ана шунда, инсон ўзи қизиққан соҳанинг устаси бўла олади. Ёш қизларга маслаҳатим – энг аввало, қизиқишларингизни биринчи ўринга қўйинг. Кейинги ўринда, танлаган соҳанинг бўйича олий таълим муассасасини аниқлаб, ўша соҳани пухта ўзлаштиринг. Қурилиш соҳасини танлаган бўлсангиз, ҳеч чўчмай қурилиш майдонига чиқинг, тажриба орттиринг. Буларнинг бари ўз соҳанинг малакали мутахассиси бўлишингизни таъминлайди.

– Фаолиятингиз давомида фахрланидиган натижаңиз бўлганими?

– 31 йил мобайнида ишлаб, кўплаб тажриба орттирдим. Энг аввало, ривожланаётган жамиятимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларига оз бўлсада, ўз хиссамни қўшаётганимдан, ахил жамоада ўрнимни топганимдан фахрланаман. Бир жойда чорак асрдан кўп вақт мобайнида ишлаш аслида катта бахт: Қолаверса, битта бино пойдеворидан то қуриб битказилиб, одамлар кириб яшаш иши ишлаб бугун бўлган жараёнга ҳар ким ҳам гувоҳ бўла олмайди. Кўз ўнгимизда йўқдан бор бўлишини, гўзаллик бунёд этилишини кузатиш эса ишмизнинг энг қулминацион нуқтаси десам, ҳато бўлмайди. Биз бунёд этамиз, бунёдкорлар деб эътироф этиламиз – бу ҳар бир соҳа вакилига ўзгача фахр туйғусини бахш этади. Айнаи дамда назорат инспекциясида ҳам жуда катта янгиликлар амалга ошириляпти. Улардан бири – ходимлар учун махсус форма жорий этилганидир. Ушбу формани кийиб кўчада юрганингизда, атрофдагиларнинг сизга ҳайрат билан бир қарашлари айнан қурилиш соҳасида фаолият юритаётган инсонларнинг ҳам қанчалик аҳамиятли касб эгалари эканлигини ақс эттиради.

Фурсатдан фойдаланиб, ўзим ҳамда Қашқадарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси ходимлари номидан 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан Ўзбекистонимизнинг барча аёл-қизларини чин қабилдан муваққабод этаман!

– Самимий суҳбатингиз учун ташаккур!



Қурилиш соҳасидаги хоразмлик аёллар

Қурилиш соҳаси – бу шунчаки ғишт териш ёки бетон қуйиш эмас. Бу соҳа келажакни барпо этиш, инсоният тарихида из қолдиришга хизмат қилади. Асрлар давомида қурилиш-бунёдкорлик соҳаси кўпроқ эркаклар касби сифатида қаралган. Аммо бугун замон ўзгарди. Энди қурилиш соҳасида билимли ва қатъиятли аёллар ҳам фаолият юритмоқда.

Шаҳноза ҚАЛАНДАРОВА,
“O'zbekiston bunyodkori” муҳбири.

Аёл – ҳаёт бунёдкори. У оилада фарзанд тарбияласа, жамиятда маънавиятни шакллантиради. Қурилиш соҳасига кириб келган аёл эса тизимини ривожлантиришга катта ҳисса қўша олади. Албатта, бу йўл осон эмас. Бу соҳа куч, сабр ва бардош талаб қилади. Баъзан оғир шароитлар, баъзан жамиятдаги эски қарашлар аёлларга тўсиқ бўлиши мумкин. Аммо ҳақиқий матонат эгалари тўсиқларни имкониятга айлантира олади. Ҳар бир муваффақиятли аёл мутахассис – бу бошқа қизлар учун илҳом манбаидир. Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган аёллар – Хо-

разм вилоятида қурилиш соҳасида узоқ йиллик тажрибага эга аёллар ҳисобланади.

Бундан 16-17 йил олдин Хоразм вилояти Қурилиш бошқармасида 2 нафар фарзанднинг онаси, 30 ёшли меҳнатқаш аёл Роҳатой Абдуллаева ходимлар бўлими нозир сифатида иш бошлади. Ёш бўлишига қарамасдан, раҳбарият томонидан берилган барча топшириқларни аъло даражада бажариб, ҳамisha ҳамкасбларига ўрнак бўлиб келган.

– 2009 йилда бошқармада раҳбар сифатида иш бошлаганимдан Роҳатой билан ҳамкасб бўлганмиз, – деди меҳнат фариҳиси Нураддин Магнийёзов. – Ҳар томонлама оқила, кимдир ёрдам сўраса, дарров ёрдам қўлини чўзишга шай. Шунинг учун ҳам доим янги келган ёш ходимларни шогирд қилиб унга бириктириб беришдан кўрқмасдим. У доимо ишончимизни оқлаган.

Бугун Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси тизимида 15 га яқин хотин-қизлар фаолият юритса, уларнинг барчасига устоз, маслаҳатчи, намуна – Роҳатой Абдуллаевадир.

– Бошқарма менинг иккинчи уйим, – деди у. – Ҳамкасбларимдан илҳом, энергия оламан. Соҳа машаққатли, лекин одамларнинг янги бино ёки уйга эга бўлгандаги қувончини кўриб, жуда севиनाман. Шунинг учун бўлса керак, қизим ҳам шу соҳани танлайман деганида ҳеч иккиланмай қарорини хурмат қилганмиз. Қийинчилиги бўлсада, баракали, инсонларга энг кўп фойдаси тегадиган соҳа вакили эканимдан фахрланаман.

Қурилиш соҳасида аёлларнинг кўпайиши жамият тараққиётининг белгисидир. Чунки ривожланган жамиятда касб танлашда жинс эмас, билим ва қобилият устувор бўлади. Аёлларнинг қурилиш соҳасида бўлиши – тенглик, ишонч ва тараққиёт рамзидир.

Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой комму-

нал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекциясида ҳам аёлларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилади. Меҳнат фаолияти учун муносиб шароит яратиш, зарур услубий кўмак бериш доимий равишда йўлга қўйилган.

80 кишилик меҳнат жамоасида катта хурматга эга аёллардан бири – Бибиғул Оразовадир. 1991 йилдан бошлаб турли ташкилотларда ишлаш билан бирга, ўқиш жараёнини ҳам тенг оlib борган Бибиғул опа 2012 йилда – ҳудудий инспекцияда бош ҳисобчи сифатида иш бошлаган. У тизимда кўплаб раҳбарлар билан ишлаб, барча қийинчиликларни енгиб ўтган ходим сифатида меҳнат жамоасида доимо ардоқда.

– Бибиғул опа ҳар бир қурувчи билан иш бўйича камида 3 марта мулоқот қилади, – деди ҳудудий инспекциянинг Ижро назорати ва таҳлил бўлими бош мутахассиси Фахриддин Аҳмедов. – Энди тасаввур қилверингиз, бугун Хоразмда 2 мингга яқин объект қуриляпти. Уларнинг ҳар бири бўйича молия-иқтисод масалаларидаги ҳужжатлар билан ишлашнинг масъулияти қанчалик оғир. Кези келганда беъмаалол айтиш мумкинки, ёшгина йигитлар баъзида зиммасидаги масъулиятни бажаришга қийналишади. Опа аёл киши бўлишига қарамасдан, нозик елкасидаги улкан масъулиятни шунчаки иш эмас, ўзининг, ҳаётининг бир бўлагига айлантирган.

Бибиғул Оразованинг ҳамкасблари билан суҳбатлашар эканмиз, узоқ йиллар давомида бир соҳада муваффақиятли ишлашининг сири – оғир-босиқлик ва сабр-қаноатда деган, хулосани эшитдик.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида таъриф берган аёлларимизнинг ҳар иккаласи ҳам қурилиш соҳасида гендер тенглигини таъминлаш, қадим қадратимиз ҳисобланган, қон-қонимизга сингиб кетган аёлларга бўлган юксак эҳтиром ва ҳурматнинг кичик бир намунасидир.

Жамиятни улуғлаётганлар

Ўзбекистонимиз истиқлолга эришганидан буён хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини мустақкамлаш борасида давлат аҳамиятига молик тарихий ишлар амалга оширилмоқда. Қолаверса, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан аёлларга кенг қўллаб-қувватланмоқда. Ўзбекистоннинг турли соҳаларида аёлларнинг фаоллиги ва нуфузининг ортаётгани фикримизнинг далилидир.

Ҳамза ШУКУРОВ,
“O'zbekiston bunyodkori” муҳбири.

Айнаи пайтда хотин-қизлар фаолият юритмайдиган соҳани топиш амримаҳол. Жумладан, қурилиш, бунёдкорлик борасида ҳам уларнинг ўрни бекиёс. Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси Қурилиш-синав лабораторияси ва бино-иншоотларнинг техник ҳолатини ўрганиш бўлими мутахассиси Дурдона Ҳалилова, Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлими бош мутахассиси Мархабо Набиева, қурилиш объектиларини онлайн кузатиш бўйича бош мутахассис Вазира Бектамошвалар ҳам ўз хизматлари билан юрт ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Аёлни эъзозлаш, унга эҳтиром кўрсатиш халқимизга хос олижаноб қадрият ҳисобланади. Зеро аёлларни ардоқлаган юрт ҳар доим ривожланишида давом этади.



“Техникага меҳрим бўлакча” – дейди кран машинисти Фазилят Алибекова



Кўп қаватли уйларнинг қурилишини томоша қилиш осон, аммо уни қураётган қурувчининг қанчалик машаққат билан меҳнат қилаётганини билиш учун улар каби ўша жараёнда иштирок этиб кўриш керак.

Ҳилола ИСМАТОВА,
Навоий вилояти қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси матбуот котиби.

Golden Group” масъулияти чекланган жамияти газобетон ва темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқариш заводи кран машинисти Фазилят Алибекова бажариб келмоқда.

У ўтган вақт ичида ўз ишининг устасига айланди, диққат билан ҳар бир жараёни бошқаради, ўзига ишониб топширилган вазифани муносиб уddалаб келмоқда.

– 2020 йилда иш қидирганимда, Навоий шаҳар меҳнат биржасидагилар мутахассислигим буйича “Zarafshon Golden Group” МЧЖга юборишди, – деди биз билан суҳбатда Фазилят Алибекова. – Йўл-йўлакай “Аёл кишини ишга қабул қилмасачи, бундай ишларга одатда эркекларни олишди” деган турли ўй-хаёллар билан бордим. Аммо қорхона раҳбарлари ҳушмуомалалик билан қарши олиб, савол-жавобдан сўнг ишга қабул қилишди. Бу даргоҳда гендер тенглик мавжудлиги, хотин-қизлар ҳақ-ҳуқуқи таъминланганлиги, раҳбарларнинг ходимларга яхши муомаласини кўриб кўнглим тинчиди, қисқа вақтда жамоага тез кўникиб кетдим. Ҳар кунги ишим эрта тонгдан кран машинасини техник кўриқдан ўтказиб, соzлигини текшириб кўришдан бошланади. Заводда асосан темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқарилади, 3 тоннагача бўлган бетон маҳсулотларини кранда кўтариб махсус машиналарга юклаймиз.

Газобетон ва темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқариш заводида 70 дан ортиқ темир-бетон маҳсулотлари, Испания технологиялари асосида 4 хил том ёпма плиталари ва узумзорлар учун устунлар, бир ва икки қаватли уйлар учун темир бетон болори, кўп қаватли уйлар учун темир бетон боғламали маҳсулотлар ишлаб чиқаришмоқда. Уларни ортиш, юклаш ишларини бажаришда албатта, қаҳрамонимизнинг ҳиссаси катта.

– Енгил автомобилсимизни ҳам осонлик билан бошқараман, техникага меҳрим бўлакча, – дея давом этди суҳбатдошим. – Турмуш ўртоғим касбимни, қизиқишимни тўғри баҳолаб, ҳар доим қўллаб-қувватлайди. Оилада эр-хотин бир-бирига таянч бўлиб, бир-бирини тушуниб яшасагина, рўзгорда барака бўлади, ишга борганда ҳам кўнгли хотиржам, ҳаловат билан ишлайди.

Бугунги кунда Фазилят Алибекова турмуш ўртоғи билан 2 қиз ва бир ўғилни тарбиялаб келмоқда.

Аёлга муносабат – оиладан бошланади. Оилада эъзоз кўрган аёл жамиятда ҳам ўз ўрнини топа олади.

Инсон тақдири баъзан ажойиб бурилишларга бой бўлади. Кечагина мактаб дарсхонасида ёш авлодга илм берган муаллима бугун шаҳар аҳолисининг турмуш фаровонлиги учун жавобгар ва масъул раҳбарга айланган. Бухоролик Роҳат Ҳамидованинг ҳаёт йўли ана шундай ибратли йиллардан иборат. У Бухоро педагогика институтини тамомлаган. Шундан кейин Бухоро шаҳридаги 6- ва 30-мактабларида фаолият юритган. Ўзининг жонқуярлиги ва меҳнатқашлиги туфайли 1996 йилда “Йил ўқитувчиси” Республика кўрик-танловида қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаган.

Халқ дуоси олий мукофот

Зулфизар МАВЛОНОВА,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Йиллар ўтсада, унинг қалбиде яна халқнинг ичига кириш, одамларнинг қундалик муаммоларига малҳам бўлиш иштиёқи яшарди. Шу мақсадда чорак аср давомида “Гулшан” МФЙга раислик қилиб келган қайнотаси Ҳайдар Қораявга шогирд тушди. Элнинг дуосини олган ота-хоннинг меҳнати келини учун ҳақиқий раҳбарлик мактаби бўлди.

– 2022 йилдан буён “Gold Rohat Gulirano” бошқарув сервис компаниясида раҳбарлик қилиб келаман, – деди у биз билан суҳбатда. – Аксарият одамлар “бу соҳа аёл киши учун эмас”, деб ўйлаши мумкин. Аммо аёл кишининг қалбидеги меҳр ва ирода ҳар қандай тўсиқни енгишга қодир. Бу йўлда етарли билим ва халқнинг дуоси менга мадад бўлган. Компанияда фаолият юритаётган 30 нафар ишчи билан куз-киш мавсумида аҳоли хонадонидеги иссиқлик, томнинг соzлиги ёки йўлакларнинг ободлигини ҳар доим ўз вақтида бажаришга ҳаракат қиламан. Базьида кечгача қолиб ишлашга тўғри келади. Шундай вазиятда аҳолининг хотиржам-



лиги ва сифатли яшаши учун меҳнат қилаётганини оила аъзоларим яхши тушуниди ва мени қўллашади. Қолаверса, одамларнинг иссиқ уйда ўтириб, етарли шароитлардан фойдаланганда миннатдорлик билдиришлари барча қийинчиликларни унуттириб юборади.

Бошқарувнинг тамал тоши шаффолик ва ҳодим билан самимий мулоқот ўрната олишдир. Агар раҳбар ўз жамоасига ички ишонч билдирмаса, у ерда ҳеч қачон юксалиш бўлмайди. Роҳат Ҳамидова учун жамоадаги ҳар бир аъзонинг меҳнатини қадрлаш ва уларга нисбатан адолатли бўлиш биринчи ўринда туради. Шунга қарамай, аёл раҳбар учун иш ва оила мувозанатини сақлаш катта маҳорат. Бу борада у ҳам ўзига хос тартиб ўрнатган. Унинг наздида, уйдаги хотиржамлик ишдаги унумдорликнинг калитидир. Ишдаги муаммоларни уйга олиб кирмаслик, оиладаги меҳр-муҳаббатни эса ишдаги қаттиқўллик билан аралаштирмаслик аёл кишига хос нафосат ва донолик талаб этади.

– Бугунги кунда хотин-қизларнинг ишлари учун юртимизда кўплаб имкониятлар бор, – деди Роҳат опа. – Демак, аёл кишининг табиатидаги назокат унинг заифлиги эмас, балки энг катта кучига айланиши керак. БСҚ раҳбари бўлиш ёки бошқа соҳада ишлаганда, энг муҳими, ўз касбини севиши керак. Қийинчиликлар ва ҳар бир синов кишини янги поғонага олиб чиқади. Агар мақсад халққа наф келтириш бўлса, тандирнинг ўзи ҳаммага йўл очади.

Роҳат Ҳамидованинг бошқарувидаги компания бугун Бухоро аҳлига сидқидилдан хизмат қилмоқда. Унинг фаолияти аёл киши нафақат таълим соҳасида, балки уй-жой бошқаруви каби мураккаб тизимда ҳам намуна бўла олишининг исботидир.

“STEKLOPLASTIK” MCHJ

МАРТ

XALQARO XOTIN-QIZLAR KUNI MUBORAK BO'LSIN!

QASHQADARYO VILOYATI QURILISH VA UY-JOY KOMMUNAL XO'JALIGI BOSH BOSHQARMASI

Bahorning ilk nafasi bilan qalblarga iliqlik kirgan pallada nishonlanadigan

Xalqaro xotin-qizlar kuni

muborak bo'lsin!

Siz hayotning eng nozik satri, umrning eng mustahkam suyanchig'isiz.

Nigohingizda mehr, so'zingizda hikmat, qalbingizda esa butun bir olam yashaydi.

Yuzingizdan tabassum, ko'nglingizdan shukronalik arimasin, aziz ayollar.

Матонат ва заковат соҳибаси

Аёл – ҳаётнинг нафосати, меҳр-шафқат ва сабр-матонат манбаи. У бор жойда файз, барака ва тартиб бўлади. Жамият тараққиётининг мустақкам пойдеворидега эса ана шундай фидойи аёлларнинг беқиёс меҳнати мужассам. Курилиш ва шаҳарсозлик соҳасида ана шундай заҳматқаш, ташаббускор ва юксак масъулиятли мутахассислардан бири – Сайёра Исмоиловадир.



Сардорхон СОДИҚХОНОВ,
Фаргона вилояти Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси етакчи мутахассиси, архитектор.

31 йиллик меҳнат тажрибасига эга Сайёра опа 2023 йилдан бундан мазкур лавозимда фаолият юритиб, ўзининг қатъияти, ташкилотчилик қобилияти ва инсонпарварлиги билан жамоада алоҳида ҳурмат қозонган. Унинг меҳнат йўли – изланиш, интилиш ва садоқат йўлидир.

1993 йилда Марғилон режа-иктисод техникумини муваффақиятли тамомлаган ёш мутахассис ўз фаолиятини молия-банк соҳасида бошлади. Бу йиллар давомида молиявий таҳлил ва стратегик режалаштириш бўйича мустақкам тажриба орттирди. Бу давр унга масъулият, аниқлик ва тизимли фикрлашни ўргатди.

2014 йилдан бошлаб у ўз меҳнат йўлини курилиш ва шаҳарсозлик соҳаси билан боғлади. Айнан шу даврдан унинг ташкилотчилик салоҳияти янада ёрқин намоён бўлди. Фаргона вилояти Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармасида Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлими бошлиғи сифатида вилоят курилиш тизимини малакали кадрлар билан ташминлашга қатъи ҳисса қўшди. Ёш мутахассисларни танлаб олиш ва уларни касбий жиҳатдан юксалтириш бўйича изчил тизим шакллантирилди. Хусусан, Фаргона давлат техника университети ҳамда Тошкент архитектура ва курилиш университети билан йўлга қўйилган ҳамкорлик алоқалари соҳа учун янги нафас бўлди. Бу ҳамкорлик тўғрисида билимли, замонвий фикрлайдиган, истиқболли ёшлар заҳираси шакллантирилди.

С. Исмоилова раҳбарлигида бош бошқарма штатлари малакали кадрлар билан бойиди. Тажрибали бош архитекторлар мураббий сифатида ёшларга йўл кўрсатди. Заҳирага олинган кадрлар учун шахсий тайёргарлик режалари ишлаб чиқиш, уларнинг касбий салоҳияти босқичма-босқич оширилди. Бу жараён оддий иш эмас, балки келажакни қуришга қаратилган узоқни кўзлаган стратегия эди. Унинг бевосита кўмаги ва маслаҳатлари натижасида сўнгги саккиз йилда 3 нафар PhD доктори ва 20 нафардан ортиқ магистр етиштиб чиқди. Айниқса, 2025 йилда Сўх тумани Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси А.Олимжоновнинг "Йилнинг энг яхши давлат хизматчиси" мукофотига сазовор бўлиши ва NanYang University докторантурасига 100 фозиллик грант асосида қабул қилиниши – устоз меҳнатининг ёрқин самарасидир.

Сайёра опа нафақат касбий жиҳатдан, балки маънавий-маърифий соҳада ҳам фаол. У миллий гоя ва ватанпарварлик руҳини шакллантириш, давлат сиёсатининг устувор йўналишлари ва ислохотлар мазмунини ходимларга тушунтириш мақсадида мунтазам тарғибот тадбирлари ва иктисодий ўқувлар ташкил этади. Чунки у яхши билади: билимли ва маънавий баркамол кадр – ҳар қандай соҳанинг таъҷи устунидир.

Жамоада юксак обрў-эътиборга эга бўлган С. Исмоилова – талабчан, бироқ меҳрибон устоз, адолатли раҳбар ва ўз ишига садоқатли мутахассис сифатида эътибор этилган. Унинг ҳаёт йўли бир ҳақиқатни исботлайди: аёл нафақат оила кўрғони, балки жамият тараққиётининг ҳам мустақкам устунидир.

Туғилган кунингиз муборак бўлсин!

2026 йил 6-12 март саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Аппарат раҳбари **Воситжон Имомов**, Кўп хонадонли уй-жой фондини бошқариш ва эксплуатация қилиш тизимини мувофиқлаштириш ҳамда реновация лойиҳаларини умумлаштириш департаменти бошлиғи ўринбосари **Азиз Халилов**, Архивариус **Саидахмад Муродов**, раҳбар котибаси **Шахло Азимова**, Давлат архитектура назорати департаменти (Наманган вилояти бўйича) бош мутахассиси **Сардорбек Хомидов**, Call-center оператори **Бобуржон Муҳидинов**, Жамоатчилик билан алоқалар бўлими (ахборот хизмати) бош мутахассиси **Зухра Эргашева**, ҳайдовчи **Олим Адиллов**,

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси Кўп квартирли уй-жой фондиндан техник фойдаланиш қоидаларига риоя этилиши назоратини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи **Жасур Маддалов**, Ичимлик сувини ишлаб чиқариш ва етказиб беришнинг технологик талабларига риоя этилиши назоратини мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси **Содиқжон Топшўлатов**, Кўп квартирли уй-жой фондиндан техник фойдаланиш қоидаларига риоя этилиши назоратини мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси **Дониёр Абдуразақов**, Кўп квартирли уй-жой фондиндан техник фойдаланиш қоидаларига риоя этилиши назоратини мувофиқлаштириш бўлими етакчи мутахассиси **Зафар Азимов**,

Ўзбекистон Республикаси Архитектура ва курилиш соҳасида Фахрийлар кенгаши раиси ёрдამчиси **Шерзод Низамов**,

"Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi" ДМ Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлими бош мутахассиси **Зебо Исмоилова**,

Техник меъёролаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти Стандартлаштириш бошқармаси бош мутахассиси **Ноҳира Мустафоева**, Мувофиқликни баҳолаш бошқармаси етакчи мутахассиси **Соатмурот Қиличов**,

"Коммуналлойтих илмий-тадқиқот институти" ДМ "Шимол" филиали директори **Айтжан Турмухамбетов**, "Марказий" филиали ҳайдовчиси **Мусурмон Ортиқов**, "Жанубий"

филиали лойиҳа бош архитектори **Абдурашул Салоҳиддинов**,

"Ўзоғирсановлойтих" АЖ ОИСК техниги **Ботирали Сироҷиддинов**, АСС-2 сектор раҳбари **Ақром Бўтаев**, етакчи муҳандис **Шохруҳ Абдуразақов**, ОВ муҳандиси **Мирабдуллоҳ Мирсаидов**,

"O'zshaharsozlik LIT" ДМ бош директорининг лойиҳа ишлари бўйича ўринбосари – институт бош архитектори **Бунёд Эрматов**, Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бошқармаси 6-устахонаси олий тоифали лойиҳа бош архитектори **Бахтиёр Мағдиев**, Смета ва нархларни шакллантириш бўлими муҳандиси **Саодат Тоғаева**, Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бошқармаси техниги **Феруза Насирова**, Хўжалик ва дастурий-техник таъминоти бошқармаси кўриқчилари **Алишер Алиқулов**, **Мирадид Сағатов**, "Сурхондарё" филиали муҳандиси **Отамурод Раимов**, "Қашқадарё" филиали директори **Шохруҳ Хушмуродов**,

Қорақалпоғистон Республикаси Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги қорувули **Калмурат Алланиязов**, Архитектура ва ҳудудларни ривожлантиришнинг режалаштириш шўъбаси бош мутахассиси **Бийсен Сапарбаев**, Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси етакчи мутахассиси **Қуддус Ағзамов**, ҳайдовчи **Дауранбек Аймуратов**,

Андижон тумани курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими уй-жой коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассиси **Ноҳир Каримов**, Балиқчи тумани курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Сарварбек Охунов**,

Самарқанд вилояти Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси етакчи мутахассиси **Сардор Сайимов**,

Қашқадарё вилояти Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси маъмурий амалиёт ишлари бўйича бош мутахассиси **Обид Фозилов**, Оқова суварни чиқариб юбориш ва тозалаш хизматлари кўрсатилишини назорат қилиш шўъбаси бошлиғи **Алишер Мухторов**,

Наманган вилояти Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси курилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими бош мутахассиси **Зафаржон Аширалиев**, Ичимлик сувини ишлаб чиқариш ва етказиб беришнинг технологик талабларига риоя этилишини назорат қилиш бўлими бошлиғи **Аъзамжон Бабаев**, Оқова суварни чиқариб юбориш ва тозалаш хизматлари кўрсатилишини назорат қилиш бўлими бош мутахассиси **Мансурбек Алимов**,

"Иссиқлик таъминоти" АЖ Андижон вилояти филиали Режа иқтисод бўлими бошлиғи **Ғиёсиддин Джиянбеков**, Диспетчерлик хизмати назоратчи оператори **Маҳаммаджон Янгибоев**, Газ устаси **Ғанижон Орзибоев**, Фаргона вилояти филиали М/Б ҳисобчиси **Дилафрўз Ҳалилова**,

Бухоро вилояти Қорақўл туманидаги "Қорақўл курилиш коммунал" БСК МЧЖ бош директори **Аловуддин Оймуратов**, Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги "Янги Наво Барака Компания" БСК МЧЖ бош директори **Нигора Уроқова**, "Шокир худудий Тех Сервис" БСК МЧЖ бош директори **Шокир Розиков**, Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридаги "Sarvag Termiz Servis" БСК МЧЖ бош директори **Садриддин Отакулов**, Ангор туманидаги "Ангор-Бошқарув-Сервис" БСК МЧЖ бош директори **Зулайхо Ашурова**, Тошкент вилояти Бекobod шаҳридаги "Baxtiyor-Classik-Servis" БСК МЧЖ бош директори **Ихтиёр Нормуродов**, Нурафшон тумани "Bekzod servis 777" БСК МЧЖ бош директори **Бекзод Каримов**, Бўка туманидаги "Бўка Маданият БСК" МЧЖ бош директори **Алижон Каримов**, Паркент туманидаги "Poletava Kommunal" БСК МЧЖ бош директори **Ақром Умарбеков**, Тошкент шаҳар Шайхонтохур туманидаги "Давр Сервис ПБК" бош директори **Шухрат Қодиров**, Юнусobod туманидаги "Технокомун хизмат плюс" БСК МЧЖ бош директори **Хаёт Джаббаров**, "Кафолат таъмир" БСК МЧЖ бош директори **Лариса Пирвалова**, Яққасарой туманидаги "Grand Sfera kommunal" БСК МЧЖ бош директори **Оловуддин Тангрикулов**,

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги "Омадди-қуёш-коммунал" УЖМШ бошлиғи **Шухрат Эшмухамедов**ларни таваллуд кунини билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Уларга сизхат-саломатлик, узоқ умр, ошлавий хотиржамлик тилаймиз!

"Zamonaviy realtor xizmati" МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидега ўтказиладиган электрон-онлайн очик аукцион савдога таклиф этади!

Аукцион савдога Риштон туманлараро иқтисодий судининг 2024 йил 21 июндаги 4-1505-2402/1511-сонли ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб эътироф этилган "Moderna Cement Industries" МЧЖ суд тугатиш бошқарувчисининг 2026 йил 2 мартдаги 106-сонли буюртманомасига асосан қуйидаги мол-мулклар савдога қўйилмоқда:

Фаргона вилояти Ўзбекистон тумани, "Бек-обод" МФЙ, Боғиравон кўчаси, 77-уй манзилида жойлашган "Moderna Cement Industries" МЧЖга тегишли, умумий ер майдони – 150 000,00 квадрат метр, курилиш ости майдони – 1461,96 квадрат метр, фойдали майдони – 1018,40 квадрат метр, кадастр рақами 15:15:11:01:02:2712 бўлган цемент ишлаб чиқариш заводи бино ва иншоотлари товар-моддий захираларини қўшмаган ҳолда мулкый мажмуа сифатида. Бошланғич баҳоси – 298 270 970 596,00 сўм.

Аукцион савдо 2026 йил 7 апрель кунини online-mulk.uz платформасида бўлиб ўтади. Аризаларни рўйхатдан ўтказиш муддати: 2026 йил 6 апрель кунини соат 18:00 гача.

Юқоридаги кўчмас мулк 2026 йил 7 апрель кунини сотилмаган тақдирда, такрорий электрон-онлайн савдолар 2026 йил 2 мартдаги 15 кун оралигида ўтказилишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати бир иш кунини олдин соат 18:00 гача.

Савдо қолибига савдо ўтказилган кундан бошлаб 20 (ингирма) банк иш кунини ичидега сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш юклатилади.

Талабгорлар юқоридаги мулкнинг 15 фозидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини "Zamonaviy realtor xizmati" МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига электрон-онлайн аукцион савдога рўйхатдан ўтиб тўлашлари лозим: 2020 8000 9057 4042 7002 ХАТБ "Davt bank" Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 311 041 441.

Савдо ташкилотчиси жойлашган манзил: Фаргона вилояти Фаргона шаҳар, Г. Фармонов кўчаси, 13-уй. Телефон: (+99891) 117-87-53, (+99890) 407-07-62.

Тадбиркорлар ва сармоядорлар диққатига!

"Zamonaviy realtor xizmati" МЧЖ

очик танлов савдоларига таклиф этади!

"Zamonaviy realtor xizmati" МЧЖ томонидан ташкил этиладиган очик танлов савдоларига, "Чилонзор буюм савдо комплекси" АЖнинг 2026 йил 3 мартдаги 104-сонли буюртманомасига асосан, "Чилонзор буюм савдо комплекси" АЖ ҳудудида жойлашган лойиҳалаштирилиб, курилиши режалаштирилган ва мавжуд савдо шохобчаларининг ижарага олиш ҳуқуқи қўйилмоқда:

№	Савдо шохобчаларининг асосий тавсифлари	Бошланғич баҳоси, сўмда
1.	44-29-сонли, умумий майдони 12,00 м² бўлган савдо шохобчаси	123 600 000
2.	44-30-сонли, умумий майдони 12,00 м² бўлган савдо шохобчаси	123 600 000
3.	44-31-сонли, умумий майдони 12,00 м² бўлган савдо шохобчаси	123 600 000
4.	44-32-сонли, умумий майдони 12,00 м² бўлган савдо шохобчаси	123 600 000
5.	44-33-сонли, умумий майдони 12,00 м² бўлган савдо шохобчаси	74 160 000
6.	44-34-сонли, умумий майдони 12,00 м² бўлган савдо шохобчаси	74 160 000
7.	19-17-сонли, умумий майдони 15,00 м² бўлган савдо шохобчаси	154 500 000
8.	19-18-сонли, умумий майдони 15,00 м² бўлган савдо шохобчаси	154 500 000
9.	19-19-сонли, умумий майдони 15,00 м² бўлган савдо шохобчаси	154 500 000
10.	19-17-сонли, умумий майдони 15,00 м² бўлган савдо шохобчаси	154 500 000

Савдода иштирок этиш истагини билдирган талабгорлардан аризалар ушбу хабарнома чоп этилган санадан бошлаб расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Таклифларни қабул қилиш охириги муддати: 2026 йил 3 апрель кунини соат 16:00 гача.

Талабгорларнинг таклифлари 2026 йил 7 апрель кунини соат 11:00 дан бошлаб кўриб чиқилади. Энг юқори таклифини берган талабгор билан сотувчи ўртасида келишув битими тузилади.

Танлов савдо шу кунини бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2026 йил 21 апрель, 5, 19 май, 2, 16, 30 июнь, 14, 28 июль, 11, 25 август, 8, 22 сентябрь кунлари сотилгунга қадар соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.

Савдода ўтказиш учун талабгорлар ёпиқ конвертда солинган таклифлари ва ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этишад:

юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилган тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси; жисмоний шахслар – СТИР ва паспортнинг нусхаси.

Талабгорлар ижарага олиш ҳуқуқининг 30 фозидан кам бўлмаган миқдордаги суммани зақалат сифатида "Zamonaviy realtor xizmati" МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт: 2020 8000 9057 4042 7002 ХАТБ "Davt bank" Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 311 041 441.

Таклифи мавжуд топилган талабгорга савдо ўтказилган кундан бошлаб 20 банк кун ичидега сотувчи билан ижара шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Савдо ташкилотчиси жойлашган, савдолар ўтказиладиган ва савдода иштирок этиш учун аризалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳар, Мирзо Улўғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13 -"А" уй. Телефон: (71) 237-23-82.

"Zamonaviy realtor xizmati" МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидега ўтказиладиган электрон-онлайн очик аукцион савдога таклиф этади!

Аукцион савдога Марғилон туманлараро иқтисодий судининг 2025 йил 5 декабрдаги 4-1504-2501/14494-сонли ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб эътироф этилган "Експорт Нарру Green" МЧЖ суд тугатиш бошқарувчисининг 2026 йил 25 февралдаги 5-сонли буюртманомасига асосан қуйидаги иссиқхона бино иншоотлари савдога қўйилмоқда:

Фаргона вилояти Кува тумани, "Маданият" МФЙ, Дашт кўчаси, 29-уй манзилида жойлашган "Експорт Нарру Green" МЧЖга тегишли, умумий ер майдони – 10 850,00 квадрат метр, фойдали майдони – 10 214,45 квадрат метр, кадастр рақами 15:06:41:01:01:0024, 15:06:41:01:01:0025, 15:06:41:01:01:0026 бўлган енгил типдаги иссиқхона бино ва иншоотлари. Бошланғич баҳоси – 991 856 602,00 сўм.

Аукцион савдо 2026 йил 31 март кунини online-mulk.uz платформасида бўлиб ўтади. Аризаларни рўйхатдан ўтказиш муддати: 2026 йил 30 март кунини соат 18:00 гача.

Юқоридаги кўчмас мулк 2026 йил 31 март кунини сотилмаган тақдирда, такрорий электрон-онлайн савдолар 2026 йил 2 мартдаги 15 кун оралигида ўтказилишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати бир иш кунини олдин соат 18:00 гача.

Савдо қолибига савдо ўтказилган кундан бошлаб 20 (ингирма) банк иш кунини ичидега сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш юклатилади.

Талабгорлар юқоридаги мулкнинг 15 фозидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини "ZAMONAVIY REALTOR XIZMATI" МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига электрон-онлайн аукцион савдога рўйхатдан ўтиб тўлашлари лозим: 2020 8000 9057 4042 7002 ХАТБ "Davt bank" Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 311 041 441.

Савдо ташкилотчиси жойлашган манзил: Фаргона вилояти Фаргона шаҳар, Г. Фармонов кўчаси, 13-уй. Телефон: (+99894) 130-17-33, (+99890) 775-80-02, (+99890) 407-07-62.

Юқоридаги кўчмас мулк 2026 йил 7 апрель кунини сотилмаган тақдирда, такрорий электрон-онлайн савдолар 2026 йил 2 мартдаги 15 кун оралигида ўтказилишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати бир иш кунини олдин соат 18:00 гача.

Савдо қолибига савдо ўтказилган кундан бошлаб 20 (ингирма) банк иш кунини ичидега сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш юклатилади.

Талабгорлар юқоридаги мулкнинг 15 фозидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини "ZAMONAVIY REALTOR XIZMATI" МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига электрон-онлайн аукцион савдога рўйхатдан ўтиб тўлашлари лозим: 2020 8000 9057 4042 7002 ХАТБ "Davt bank" Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 311 041 441.

Савдо ташкилотчиси жойлашган манзил: Фаргона вилояти Фаргона шаҳар, Г. Фармонов кўчаси, 13-уй. Телефон: (+99894) 130-17-33, (+99890) 775-80-02, (+99890) 407-07-62.

"O'ZBEKISTON BUNYODKORI" ГАЗЕТАСИГА

2026 йил учун обуна давом этмоқда!

- uzbunyodkor.uz
- info@uzbunyodkor.uz
- uzbunyodkor
- t.me/uzbunyodkor
- uzbunyodkor
- qurilish.today

O'zbekiston bunyodkori

Строитель Узбекистана

Тахрир хайъати: Шерзод Хидоятлов (Тахрир хайъати раиси), Давронжон Адиллов, Тоир Алиматов, Озода Жўраева, Сироҷиддин Эшқувватов, Козим Тулганов, Юлдаш Мағрулов, Бобир Эммурадов, Илхом Аҳмедов.

Тахририят: Бош муҳаррир – Дилшод Жалолов Бош муҳаррир ўринбосари – Райҳона Жўраева Саҳифаловчи – Ақмал Маҳмамов Мусахҳиҳ – Марҳамат Муҳаммадқуллова

Газета "Ўзбекистон бунёдкори" Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

"Ўзбекистон бунёдкори" Нашриёт уйи МЧЖ мунассирлари: Ўзбекистон Республикаси Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, "ЎЗНАШКЛИТИ" МЧЖ, "ЎзшаҳарсозликЛИТИ" ДМ, "Қишлоқ курилиш инвест" ИК МЧЖ, "ЎзгеорангметЛИТИ" ДУК.

Тахририят манзили: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй.

Телефонлар: 71-241-01-29, 71-241-01-43, 71-208-12-00. **E-mail:** info@uzbunyodkor.uz

Ҳудудлардаги мухбирлар: Қорақалпоғистон Республикаси: 90-658-50-43. Андижон вилояти: 93-410-15-18. Бухоро вилояти: 99-704-66-69. Жиззах вилояти: 99-525-30-05. Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29. Навоий вилояти: 99-731-17-40. Наманган вилояти: 91-365-07-36. Самарқанд вилояти: 95-560-30-45. Сирдарё вилояти: 94-916-99-77. Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11. Фаргона вилояти: 90-349-55-56. Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси – 466. Буюртма – Г- 341. 1262 нусхда қоғоз босилди. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 6 табоқ, офсет усулида босилган.

Баҳоси келишилган нарҳда. ISSN 2181-8762. Тахририятга келган қўлезмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-маъбаа акциядорлик компанияси масъул. **Корхона манзили:** Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41.

ЎЗА яқуни – 21.00. Топшириди – 00.30.

Газетанинг навбатдаги сони 13 март кунини чиқади.